ГТО комплекси буйича ишлар йулга қуйила борган сари умУ' мий жисмоний тайёргарлик вазифалари умумий жисмоний танёр-

яяа ва ГТО нормаларини топширишга тайёрлов лик
гар секдияларид ^^^^^ бошланди, лекин гимнастика (соғлом-
гру ппаларида ^^^ ^^^^^^ жисмоний тарбиянинг асосий воситала-

лаштириш ^^^*1~*^^ қолаверди-ва ривожланаверди. У одамларга
пидан бири оу _^^^^дд_ *^аётш* зарур }^аракат куникмала-
^"'^^п^янтиришда ёрдам берар, мез^нат фаолияти режимига
рини "'^^гпок кириб борарди. Ана шу даврда гимнастика спорт
янада кенч ^^^^^^^*и1Я* учун имконият пайдо булди.

"^"Ршчч йилда Москвада гимнастика буйича хал.қаро конферен-
б"'либ утди бу конферендия айни вақтда биринчи Бутунит-
"",'^0? консhерендияси эди. Унда- гимнастика тараққиётининг энг
мухим масалалари к^фиб чиқилди ва улар юзасидан қарорлар
ябүл қилинди. Конферендия совет жисмоний тарбия системаси-па гимнастиканинг урии ва а^^амиятини белгилаб берди, гимнас-тика классификадиясини (нисбатан мустақил турларга булиии-шини), унинг мазмунини, машғулотлар методикасини ва ишнинг ташкилий формаларини тасдиқлади, терминология масаласини ва бошқа масалаларни му^^окама қилди. Конференңия гимнасти-ка тараққиётига ёрдам берган му?^им воқеа булди.

1930 йилдан бошлаб з^ар йили Москвада, Ленинградда, итти-фоқдош республикаларнинг пойтахтларида ва бошқа купгина ша>!;арларда утказиб турилган оммавий гимнастика чиқишларини мамлакатимиз халқлари жуда катта қизиқиш билан томоша қил-дилар. Москвадаги Қизил майдонда Бутунйттифоқ физкулh)Тура-чилари куни утказилганидан бери бундай чиқишлар ранг-баранг тус олди ва техник жи}^атдан анча такомиллашди. Унутилмас томоша булган хилма- хил гимнастика машқлари бу чиқишлар-иинг асосий мазмуңини ташкил этарди. Улар совет гимнастикаси-ни агитаңия ва пропаганда қилишнинг *шук^ям* воситаси булди қам-да куплаб ёшларни гимнастика билан мунтазам шуғулланишга жалб қилди.

Ягона классификаңион программанинг жорий этилиши, каса-ба союзлари КСЖ (кунгилли спорт жамиятлари)нииг ташкил этилиши ва турли куламдаги оммавий мусобақалар, шу жумла-дан уқувчилар уртасидаги оммавий мусобақаларнинг муитазам }тказиб турилиши, янги гимнастика терминологиясининг қабул ңилиниши ва бошқа купгина тадбирлар спорт гимнастикасининг ривол<ланишиии анчагина рағбатлантирди. Спорт гимнастикаси омма^вий спорт тури булиб қолди. Физкулвтура қаракати олдида
урган янги вазифаларии қал қилишда ГТО комплекси нормала-рини^опшириш учун амалга ошириладиган тайёргарлик ишларини гим^^^^^^^"^ зарур эди. Урушдан олдинги йилларда ^^атто спорт
■■ настика мусобақаларига )^ам турли амалий машқлар қушилар,
беп^^^ '^"'^ртчиларни жанговар }^аракатларга тайёрлашга ёрдам

т-у^^^^^з^^тиканинг тараққий топишида жисмоний тарбия инсти-
рз^^Р^'^инг гимнастика кафедралари катта ролв уйнади. Кафед-
илми"'^^ ^^лакали мутахассислар тайёрлаш билан бирга катта
и ва методик ишлар олиб борилди. 1934 йилдан жисмоний

тарбия институтларидаги аспирантураларда, гимнастика буйичй илмий-педагогик кадрлар тайёрлана бошланди. Дастлабки канда. датлик диссертациялари ёқланди, илмий асарлар кенгроқ эглоң қилинадиган булди, дарслик ва методик қулланмалар, гимнастика-нинг айрим масалаларига доир қулланмалар, ягона классифика-ңион программалар ва мусобақа қоидалари нашр этилди.

1937 йилдан «Гимнастика» журнали нашр этила бошландк (1940 йилгача чиқиб турган), бу журнал совет гимнастикасининг тараққий этишида му}^им ролв уйнади. Урушдан олдинги йиллар-,да гимнастика совет жисхмоний тарбия системасининг асосий во-ситаси булиб келди.

Совет гимнастикаси утган йиллар иш тажрибасидан фойда-ланиб шаклланди. Мамлакатимизда турли системаларнинг энг мақсадга мувофиқ машқлари қулланилди. Машғулотлардан куз-да тутилган мақсад қандай воситалардан қулланишни белгилаб ■берар эдики, бу воситалар ёрдамида умумжисмоний (гимнастика-нинг соғломлантирувчи турлари), жанговар (амалий турлар) ва спорт (спорт турлари) тайёргарлиги масалалари яхширок .^ал қилинарди. Ишга ижодий ёндашиш гимнастикада мавжуд булган хамма қимматли. тажрибалардан фойдаланиб, мамлакатимиз физкулБтура >^аракати талабларига мос булган уз гимнастика системамизни яратиш имконини берди.

1941 йилда утказилган комсомолларнинг оммавий бутунитти-фоқ мусобақалари урушдан олдинги даврдаги муз^им тадбирлар-дан булди. Мусобақаларда 7496000 йигит- қиз иштирок этди.

Уруш йиллари оғир давр булди. Фашистлар Германиясининг мамлакатимизга хиёнаткорона бостириб кириши бутун турмуши-мизни узгартиришга, уни Ватанимиз химояси ва душманни тор-мор қилиш иш'ига қаратишга мажбур қилди, Физкулктура ва спорт воситаларидан армияни ва унинг резервини тайёрлаш ва ярадор жангчиларни даволаш учун фойдаланилди. Мнnглаб гимнастика уқитувчилари ва .тренерлари урушнинг биринчи кун-ларидаёқ Қизил Армия.сафига, қирувчи баталвонларга, партизан отрядларига қушилдилар, хотин-қизлар госпиталларда ва соға-ювчилар баталБонларида даволаш физкулвтураси методистлари сифатида фидокорона мез^нат қилдилар. Уруш тажрвбаси даволаш гимнастикасининг ярадор жангчилар жанговарлигини тикловчи жуда самарали восита эканлипши шубхасиз исботлаб берди.

Бу даврда гимнастика мазмунан узгарди, армияга резерв тай-ёрлашга ёрдам берадиган амалий машқлар машғулотларнинг асоси булиб қолди, саноқли гимнастикачиларгина тренировка қилишни давом эттира олдилар.

1945 йил августда Москвадаги Қизил майдонда совет халқи-нинг Улуғ Ватан урушида эришган ғалабасига бағишлаиган Бутуниттифоқ физкулhтурачилар намойиши булди. Бу намойиш-га тайёргарлик куриш жараёни барча республикаларда гимиас-тика машғулотларини жонлантириб юборди.

Урушдан кейинги даврда тинч бунёдкорлик ме^^нати билан шуғулланишга утиш совет халқи фаолиятининг барча со)^алари-

млада

н жисмоний тарбия соз^асидаги фаолиятини қам ки. шу >ку ^ шу ^!^^-.--^- ^^^дрд5^. спорт иншоотлари тикланди, оммавий ф.аоллаштирио ^^^ йулга қуйилди, турли мусобақалар утказилди. спорт ишлари 1\ ^^^^^ комитетининг мамлакатда оммавий физ-

^^"^^^гяоакатини ривожлантириш ва совет спортчилари ма-кулБтура А^^Р^ , туғрисидаги 1948 йил 27 декабрһ қарори гим-"•"^*гТкя* тараққиётида катта ролв уйнади. " к капор чиққандан кейин спорт базалари қурила бошланди,,

ппт инвентарлари купайди, барча спорт турларини ривожлан-'^" ш үчун қулай шароит яратилди. Гимнастика биринчи галда пивожлантирилиши керак булган турлар қаторида тилга олинди. Мактаблар ва бошқа унув юртларининг программалари такомил-таштирила бошланди, урта ва катта ёшлилар учун куплаб саломат-чик группалари ташкил этилди, ишлаб чиқариш гимнастикаси-нинғ кулами кенгайди, радио, телевидение ёрдамида эрталабки гигиеник гимнастика билан мустақил ва уюшган қолда шуғулла-ниш янада жонлантирилди. Жисмоний тарбия кадрларини тайёр-лаш ва улар малакасини оширишга жиддий эт^тибор берилди. 1948 йил декабрда Ленинградда булиб утган II Бутуниттифоқ конференңия гимнасти.ка тараққиётида катта ақамият касб этди. Конференңияда гимнастика со;^асидаги ишлар тажрибаси умум-лаштнрилди, унинг вазифалари татзрифлаб берилди, гимнастика-нинг воситалари, турлари ва хиллари аниқланди, уларни янада ривожлантириш йуллари белгилаб берилди. Конферендия бадиий гимнастикани мустақил спорт тури сифатида ажратиш туғрисида қарор қабул қилди.

1966 йилда ҚПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Срвети физкулБтура ва спортни янада ривожлантириш чоралари туғрисида Қарор қабул қилди, бу қарор гимнастика ншини яхшилашга ёрдам берди.

1968 йил апрелда Москвада гимнастика буйича III Бутунит-тпфоқ конферендияси булди. Унда 20 йил мобайнида бажарилган ишлар та^^лил қилиб чиқилди, гимнастиканинг барча турларини янада ривожлантирнш истнқболлари белгиланди, гимнастикани со-вет кишиларининг меқнат (|)аолияти режимига ва турмушига тад-иқ зтиш плани белгиланди, ақолининг барча контингентлари илан машғулотлар утказиш учун янги программалар ишлаб чи-Қ^ш юзасидан қарорлар қабул қилинди, спорт гимнастикаси буйи-^ терма командалар учун резервТайёрлаш системаси ишлаб чи-

кейин"'"^'^^^^^ со.^асидаги қамма мутахассисларнинг бундан _ ги ишлари ана шу вази(|)аларни қал қилишга қаратилди. моннй'^"'^'^^^"'**^^"^^ совет даврида гимнастиканинг инсонни жис-'\ал К1 '^^^'^'^ топтириш борасидаги янги вазифаларни янада аниқ Уч\'н ш"'"^^^ ёрдам берадиган ^^амма турларини ривожлантириш ■"зб чик^°^^ яратилди. Назария ва методика масалаларини иш-Фздрала "^ жиомоний тарбия институтларининг гимнастика ка-тутларит'^"^^ ^^ ^"™ ташкил этилган илмий текшириш инсти-Да амалга оширилди; дарсликлар *т* классификадион

программалар, методик нулланмалар такомиллаштирилди, махсу тадқиқотлар олиб борилди ва дисс^ртадия ишлари ёқланди. СССр ва иттифоқчи республикаларнинг, шақар ва областларнинг тре нерлар советлари, федерациялари, судвялар коллегиялари синга-ри жамоат органлари гимнастика тараққиётига катта ёрдам к^, сатдилар. Қуп сонли уқитувчи ва тренерлар отряди амалий ит олиб борди.

Гимнастика тараққиётидаги бундан буёнги вазмфа совет жң^. моний тарбия системасида гихмнастиканинг ролини ошириш, мамлакатимиз ақолиси кенг қатламлари гимнастнканинг бирон-бир тури билан мунтазам шуғуллайишга эришиш ва халқаро майдоң-да Совет Иттифоқининг снорт шарафини }^имоя қилишга қодир юксак малакали гимнастикачилар тайёрлаб етиштиришдан ибо-ратдир.

## З-боб

## ГИМНЛСТИКА ТЕРМИНОЛОГИЯСИ

### 3.1. ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ АҚАМИЯТИ

Куп билим соқаларида, турли ишлаб чиқариш, ,:қаракат фаолиятларида буюм, :қодиса, тушунча, жараёнларни қисқача ифодалаш мақсадида махсус терминологиядан фойдаланилади.

Жисмоний тарбияда жумладан, бекад куп машқлар қулланиладиган гимнастикада, терминология жуда муқим ролв уйнайди. Терминология машғулотлар вақтида уқитувчилар билан укувчиларнинг узаро муносабатларини енгиллаштиради, гймнастикага оид адабиёт нашр қилишда гимнастика машқлари татзрифини соддалаштиришда ёрдам беради. Гимнастика терминологиясн гимнастикадан бошқа машғулотларда }^ам кенг қулланилади.

Гимнастика машқларининг аниқ номини билмасдан туриб уни урганиш қийин. Шу сабабли, уларни ургатиш жараёнида термивологиянинг а>^ам,ияти айниқса каттадир. Қисқача термин-сузлар ^з-ракат куникмаларини шакллантиришга катта татзсир курсатади. Тадқиқотларнинг тасдиқлашича, улар машқни бажариш учун узни тайёрлашга ёрдам беради, укув жараёнини эса янада ихчам ва мақсадга мувофиқ қилади.

Г и м н а с т и к а т е р м и н о л о г и я с и —^бу гихмнастика машқлари, умумир! тушунчалари, снарядлар, инвентарларнинг номлари-ни қисқача ифода этиш учун қулланиладиган махсус номлар (терминлар) системаси, шунннгдек терминлар, шартли (белгилаб қуйилган) қисқартишларнинг, машқларни ёзиш шаклларининг тузилиш :!^амда ишлатилиш қоидаларидир.

ТерминологИя лексиканинг булими сифатида шу фаннинг мазмуни, назарияси ва амалиёти (билан яқиндан 'боғлиқдир.

Гимнастикадан термин деганда, бирон қаракатлантирувчи фаО' лият ёки тушунчанинг қисқача шартли номи тушунилади.

яодаги каби, гимнастика терминологияси }^ам
Бошқа '^°^5"д*:,,арақниёти билан, жумладан гимнастика тарақ-
жисмоний тарои ^^^ такомиллаша борди, чунки, амалиёт ва
қиётн билан 0 Р^^_^_^^^^^ ^^.^^^ 5улса, у тилда муқаррар акс этиб,
фанда ннмаики
уни бойита °°Р^^,^,^ңастика терм'И*нологияси* 1938 йилда жорий
Ватаними ддабий тили лугат фонди асосида ңурилган
этнлган оу« ' н^ гимнастика бнлан шуғулланувчиларнинг тур-
ли"конГнгентларига анчагина тушунарли ва

тушунарли ва яңин, шунингдек арига туғри (машқлар мазмунига *"*~""бу"таржйма қилиш имкояини беради. Янги терминологиянинг Эаллиги аввало, шундан иборат эдики, терминлар тузиш ва г^таони к-^лланишга илгаридан бошқача ендашилди. Авторлар теоминлар тузнш системасини ^^ар бир >^аракатнинг энг характерли хүсусиятларини курсатиш билангина чекланиб, айни вақтда шу харакатни аниқ ва қисқа та-врифлаш имконини берадиган қилиб белгиладилар.

Совет гимнастикасннинг ривожлана бориши, назария ва ама-лийётда эришилган янги- янги ютуқлар гимнастика терминология-синй янада такомиллаштиришни тақозо қилади. Гимнастика буйи-ча 1957 йилда утказилган Бутунитгнфоқ мунозараси 1962, 1963 йиллардаги бутуниттифоқ конференниялари ;^ам шу масалага бағишланган эди.

Жисмоний тарбия институтлари, айниқса Москва, Ленинград ва Киев жисмоний тарбия институтлари гимнастика кафедралари-нинг уқитувчилари гимнастика терминологияси тараққиётига кат-та ;^исса қуш'дилар. Олиб борилган изланиш ва мухокамалар на-тижаси уларoқ 1965 йилда СССР гимнастика федерациясн амалдаги терминологияни сунгги узгартиш ва қушимчаларни ки-ритди.

## 3.2. ТЕРМИНОЛОГИЯГА ҚУЙ|^ЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Термйнлар уз магносининг аниқлиги ва ихтисослашганлиги оилан одатдаги лексик сузлардан фарқ қилади. Сузлар терминга аилангач зарур булган бир маБНОнигина англатади (кириш, энга-иш, ташланиш, куприк, пастга ташланиш, осилиш, таяниш _ва рнбг^^"^'^^' "^^?"^^ терминлар бирон тушунчани, харакатни билди-пат-, ™^ Қолмай, балки уни турдош тушунча, харакатлардан аж-Ратио, аниқлаб беради.

I ^Р^1инларга ма^лум талаблар қуйилади: бошка "^*"""""""^'
"^^РМинология она тил,, ,,_,.,,. ^,,^...,,,, тили луғат состави ва
,,^ мин-сүз^'^'^'^^^'^^'^ "■"^"^^" сузлар,
шунингдек интернационал тер-У лар асосида қурилган булиб,
мазкур халқ тилидаги ва суз

^^"И- Гимнял '^Узуридаги Бутуниттифоқ физкулБтура ва спорт ишлари коми-^- С. Егнятп. ""^'^'^^" терминология М. ФиС, 1938 (тузувчилар Л. П. Орлов, ^гнатошвили, И. А. Бражник, А. Т. Брыкин)

ясаш ва грамматика қоидаларига тула мос булади. Шундагина терминлар тушунарли, г^аётий ва барқарор булади. Она тили нор. маларининг бузилиши терминларнинг тушунарли булмай қоли-шига олиб келади.

2. Аниқлик. Термин татзрифланаётган }^аракат (машқ) ёки ту. шунчанинг моқияти ^^ақида очиқ-ойдин тасаввур берадиган були-ши керак. Терминнинг аниқлиги машқ )^ақида туғри тасаввур >^о, сил қилиш учун катта а>^амиятга молик булиб у машқни тезроқ урганиб олишда ёрдам беради.

3. Қисқалик. Терминлар қисқа, талаффуз этишга қулай булга-ни ма-БҚул. Машқларга ном бериш ва уларни ёзишни енгиллашти-радиган қисқартирув қоидалари қам шунга хизмат қилиши дар-кор.

#### 3. 3. ГИМНАСТИКА ТЕРМИНОЛОГИЯСИ ҚОИДАЛАРИ

### 3.3.1. Терминларни ясаш усуллари

Терминлар ясашнинг энг куп тарқалган усули — мавжуд суз-ларга янги ма^но бериш| (уларни бошқача тушуниш). Масалан, куприк, кириш, утиш, чиқиш каби сузлар гимнастикада ана шун-дай терминлардан ^^исобланади.

Купинча терминлар сузларнинг, масалан, паст-баланд (брус-лар), баландлаб-узоққа (сакраш) сингари узаро бирикишидан хам ясалади.

Осилиш, таяниш, тебраниш, утириш ва шу каби айрим сузлар термин сифатида қулланилади.

Статик қолатларни билдирадиган терминлар, масалан, тая-ниш, (1-а, расм), билакларга таяниш (1-6, расм), қултиқларга таяниш (1-в, расм); куракларда' туриш (1-г, расм), каллада ту-риш *{1-д,* расм), нулларда туриш' (1-е, расм) кабиларда таянч| шарти >^исобга олинади, осилиш, бурчакли осилиш (2-а, расм' букнлиб осилиш (2-6, расм), эгилиб осилиш *{2-в, расм)* сингари ларда эса гавда 5^олати (унинг буғинларини бир-бирига нисбата қандай туриш'ини) )^исобга олиб ясалади.

Тебраниш машқларининг терминлари^^муайян қаракатлантирув-1 чи фаолият хусусиятларини қисобга олиб ясалади. Масалан: би-;




1- расм.

*с* **0**

'^

2- расм.



■*«' /

• ^

3- расм.

лакларга таяниб туриб олдинга силтаниб кутариш *(3-а,* расм), қаддини ростлаб силтаниб кутарилиш (3-б, расм), оёқни "жуфт-лаб ёки битта оёқда <3- *в,* расм,) кутарилиш ва :қоказо.

Сакраш ва сакраб туш'иш терминлари спорт гимнастикасида гавданинг қаводаги }^олатига қараб белгиланади, .масалан: оёқ-ларни йиғиб сакраш, оёқларни кериб сакраш, тунтарилиш; бадиий гимнастикада гавда билан оёқлар ?^олатига қараб белгиланади: ёпиқ сакраш, очиқ сакраш, одимлаб сакраш', сапчиш, таяни'б дум-балоқ ошиш, ташланиб сакраш, силтаниб сакраш; чир айланиб сакраш ва )^оказолар.

### 3.3.2. Терминларни ңуллаииш ңоидалари

Гимнастика терминологияси шуғулланувчиларнинг маякаси хисобга олинган 5^олда қулланилиши керак. Масалан, ишлаб чиқариш гимнастикаси, эрталабки гигиена гимнастикаси ва бошқа соғломлаштириш гимнастикаси формаларини утказишда умумривожлантирувчи машқларпинг асосий терминларидан фойдаланибгина қолмай улар халқ сузлашув адабий тилидаги сузлар би-лан тулдириб борилади.

Гимнастиканинг- спорт турлари билан шуғуллана бошлаганлар машқларни урганиш билан бир вақтда терминологияни :қам билиб боришлари зарур.

Яхши тайёргарлик курган гимнастикачилар ва акробатлар, уқитувчилар, тренерлар учун терминология алоқида бир махсус тил булиб қолади. . .

Қамма терминларни қуйидагича группаларга булиб чиҚкан ма^қул:

Г Умумий терминлар. Була,р машқларнинг алоқида группала'-ринп, умумий тушунчаларни ва қоказоларни та-врифлаш' учун қулланилади. Масалан, саф машқлари, эркин машқлар ва 'бош'қалар.

*г.* Асосий (конкрет) терминлар Булар машқларнинг мазмун ^елгиларини аниқ та-врифлаш имконини ^беради. Масаяан, кутари- !ш, пастга таш^ланиш,'айланиш, бурилиш, осилиш, таяииш, сак-3^^тмтм' ^""^^"иш, ташланиш ва бош'қалар. ■ '^>'шимча терминлар. Булар асосий терминларга аниқлик ки-хоказп'. ^^ ^аракат йуналиши, ижро этиш усули, таяниш шарти ва А оларни курсатиб беради. Масалан, қаддини ростлаб, ёйси-



мон, тунтарилиб ва ^бошңалар. Машқнинг номи, одатда, унинг мо-.^иятини ифода зтадиган асосий терминдан ва җаракатни, унинг изчиллигини аниқлаб берадиган қушимча терминдан иборат була-ди. Заруратбулганда, ижро характерини таг,кидлайдиган уқтириш сузлари ишлатилади (масалан, ңул кескин, бушаштириб, майин ?^аракатлантирилади ва .-^оказо).

### 3.3.3. Ңисңартиш ңоидалари (айрим ифодаларни тушириб ңолдириш)

Баён қилиш' қисңароң булиши учун гимнастикада одатда куп җолатларни, ^^аракатлар ёки улар деталларининг номларини кур-сатмаслик қабул қилинган. Масалаи, қуйидаги сузлар тушириб қолдирилади:

«олдиндан», «олдинга»—з^аракат йуналишини курсатишда, ■ агар шу )^аракат энг қисқа, иложи бор ягона йул билан (масалан, олдиндан қайрилиб) бажариладиган булса;

қуллар, оёқлар, оёң учлари, кафтлар ^^олатининг қандайлиги —-агар бу }^олат белгиланган услубдагига мос булса;

«гаеда»—энгашишда;

«оёқ»—олдннга, орқага силтанишда, оёқ учини қуйишда;

,«! ' «кутаринг»_^ «туширинг»—қул ёки оёқлар билан ^^аракат ба-жарганда;

«узунасига», «кундалангига»—■ муайян гимнастика снарядига; купроқ хос булган одатий холатларда;

«устидан тутиш»—энг куп тарқалган булгани учун, «ичкари-га сакраб тушиш» (ёки снаряд ичкарисидаги ^^олат);

«сакраб тушиш».ёки «сакраш»—гимнастика снарядининг номи-дан шундай қилиниши маглум булса;

«эгилиб»—^бундай }^олат ижро техникасидан ма-Блум булса. Масалан, брусларда: олдинга силтаниб кутарилиш—орқага сил» таниб сакраб туш;иш;

«кафтлар ичкарига қараган»—қуллар пастга туширилган, ол-динга узатилгак, ор^қага узатилган Ю(Қори кутарилган т^олатда;

«кафтлар пастга :қараган>— қуллар икки ёнга ёки чапга (унг-га) узатилган :қолатда;

«олдинги ёйсимон»—қуллар олдинга даракатлантириб кута-рилса ёки туширилса.

Дастлабки ^^олат (д.)^.) фақат 'машқнинг бошида курсатилади.

Оёқ-қуллар ва гавданинг ^^аракат йули, ?^аракат энг қисқа ёки одатдаги усулда ба^жарилмагандагина курсатилади.

#### 3. 4. УМУМРИВОЖЛЛНТИРУВЧИ ВА ЭРКИН МАШҢЛАРГА ОИД ТЕРМИНЛАР

Дастлабки }^олатлар — машқлар ижроси бошланиши **олдидан** туришдар* ва бошқа ^^олатлар.

«Туриш» терминининг бошқа МЭБНОСИ з^ам бор. Қуйироққа ңаралсин.

**Туришлар:** асосий туриш (а. т.) лар- саф туришига мос келади *14-й* расм). Туришнинг қуйидаги турлари бор: оёқларни кериб туриш (4-*б,* расм), оёқларни кенг кериб туриш, оёқларни сал ке-риб туриш, унг оёқни кериб туриш *{4-в,* расм), чалиштириб ту-

Ћ/I A

4- расм.

риш-бунда оёқ кафтлари жуфтланади, унг (ча^п) оёқда эркин ту-риш.

Оёқлар учида туришда «оёқ учида (учларида)» сузлари қуши-лади. Тиззаларда туришдан (шунингдек утириш, ётиш' ва бошқа холатлардан) оёқларни туғрилаб туришга утиш «тик туриш» тер-мини билан белгиланади. ■

**Ғтиришлар** — ерда ёки гимнастика снарядларида утириш қолат-лари. Утиришнинг қуйидаги турлари бор: утириш' *(5-а,* расм),

:1-^. к / ^

5- расм.

оёқларни кериб утириш (5-6, расм), бурчакли утириш (5-в, расм), оёқларни кериб бурчакли утириш, букилиб утириш (5-г, расм), оёқларни қучоқлаб утириш (5-(3, расм), товонларда ёки унг трвонда (5-0, расм), утириш, сонда утириш ва бошқалар **Чуққайиш** — шуғулланувчининг оёқлари 'букилган ^^олат (6-а, расм), ярим чуққайнш (6-6, расм), дунгсимон чуққайиш, дунг-симон ярим чуққайиш (6-в, расм), ортга энгашиб ярим чуққа-йиш (6-г, расм), энгашиб ярим чуққайиш ва бу «сузувчи старти» Деб )^ам юритилади, (6-сЗ, расм), унг ёки чап оёқда ярим чуққа-йиш, унг (6- *е,* расм) ёки чап оёқда чуққайиш ва бошқалар.



^

6- расм.

Ён текисликда: *а* — олдинга; *б* — пастга; *в*—юқорига; *г*—олдип-га; *д, е*—орқага. Горизонтал текисликда: *а*—ичкарига; б~ташқа-рига: в—-олдинга; *г*—орқага; *д*—олдинга; *е*—орқага.

**Доира** — қул, оёқ, бошни айлана буйлаб ^^аракатлантириш, шунингдек оёқларни (оёқни) снаряд тепасидан айлантириш.

**Энгашиш** — гавдани букишни билдирадиган термин. Энгашиш-нинг қуйидаги турлари бор: тула энгашиш (13-а, расм), кери-шиб энгашиш' (13-6, расм), ярим энгашиш (13-в, расм), пастла-тиб олдинга энгашиш (13-г, расм), орқата энгашиб ерга етиш (13-(5, расм), оёқларни кенг очиб энгашиш (13-е^ расм), кучоқлаб энгашиш (13-ж, расм).

**Мувозанат** — шуғулланувчининг бир оёқда тургандаги, шунинг-дек осилиб ёки таяниб тургандаги горизонтал >^олати. Мувозанат-

11P ~^, _п _

13- расм.

нинг қуйидаги турлари бор: унг оёқда (14-а, расм), энгашиб му-возанат сақлаш (14-6, расм), ёнлама (14-в, расм), ортқи (орқа-га энгашиб (14-г, расм), фронтал *{14-д,* расм), оёқ ушлаб (14-е, расм), шпагат )^олатида (14-ж, расм) мувозанат сақлаш.



14- расм.

Гимиастика буюмлари ишлатиладиган машқларга ном бериш-да буюмнинг қолати (унинг йуналиши) .ва утадиган йули асосий белги булади.

Гимнастика таёқчаси билан бажариладиган машқлардаги асо-сий холатлар: таёқча пастда (15-а, расм), таёқча кукракда (15-*б,* расм), таёқча олдиндан юқорида (15-в, расм), таёқча бошда, бош' ортида, куракларда ва ^^оказо.




15- расм.

Таёқча билан бажариладиган машқлардаги носимметрик ҳо-латларни мана бундай дейиш қабул қилинган: таёқча елка олди-да (15-г, расм), таёқча бошнинг ёки елканинг унг томонида (15--*д,* расм), таёқча бош ортида унг ва қоказо; таёқча билан қул туғ-ри чизиқ хосил қилиб турмаса, унда )^олатлар мана бундай ата-лади: унг қул ён томонга, таёқча юқорига қаратилади (15-е, расм). Таёқча тутишнинг бошқа усуллари қушимча курсатилади. Масалан, таёқча унг учи кутарилиб елка олдида ёки таёқча унг учи кутарилиб кукракда (15-ж, расм).

**Арғамчи билан бажари-ладиган машқлардаги асо-сий терминлар:**

**Даккалаш** — турган жой-да ёки .^аракатланиб салгина сакраб қуйиш; **қуш;^акка-лаш** — икки марта пружина-симон }^аккалаш: биринчиси асосий, иккинчиси қушимча (кичикроқ куламда).

**Сиртмоқли ?^аккалаш** (16- а, расм), унг оёқдан чап



оёққа хаккалаш (16-6, расм), икки айлантириб хаккалаш (бир хаккалэшда арғамчини икки марта айлантириш), оёқ алмашлаб хаккалан! (16-в, расм), арғамчини шеригига бериб >^аккалашлар ва }^оказо.

### 3. 5. СНАРЯДЛАРДА БАЖАРИЛАДИГАН МАШҚЛАРНИНГ ТЕРМИНЛАРИ

**Тутиш** — снарядни ушлаш усули. Тутишнинг қуйидаги турлари бор: устдан тутиш, остдан тутиш, турлича тутиш, тескари тутиш, чалиштирма тутиш, кенг тутиш, тор тутиш, жипс тутиш,, чуқур тутиш. Тутиш сузи қисқартириш қоидасига биноан одатда тушириб қолдирилади.

**Осилиш**—снарядда-шуғулланувчининг елкалари тутиш нуқта-сидан паст булган қолат. Осилишнинг қуйидаги турлари бор: од-

дий осилишлар —; бунда снарядни гавданинг қайсидир бир қисми билан (купинча қул билан) тутилади; аралаш осилиш'лар — бунда гавданинг яна бирои қисмидан (оёқдан, оёқлардан ва ;^оказолардан) қушимча таяниш учун фойдаланилади.




17- расм.




18- расм.

Оддий осилиш: осилиш' *{П-а,* расм), қулларни букиб осилиш, букилиб осилиш (17-6, расн), керишиб осилиш (17-0, расм) ва ;^оказо.

Аралаш осилиш: чуққайиб осилиш (18-а, расм), турганча бу-килиб осилиш *{18-6,* расм), ётиб осилиш (18-е, расм), туриб оси-лиш.(18-г, расм). Бошқа ^олатлар аниқлик киритиб баёң қили' нади. Масалан, букик оёқларда осилиш *{18-д,* расм).

■**Таяниш** — шуғулланувчининг елкалари таянч нуқтасидан юқорида булган :!^олат (1-рас.мга қаранг). Таянишлар оддий ва ара-лаш булади.

Оддий таянишлар: таяниш, билакларга таяниш, қулларга тая: ниш *{\-а, б, в,* расмларга қаранг), букилиб қултиқларга таяниш (19-а, расм), орқадан таяниш (19-в, расм), бурчакли таяннш




19- расм,

*{19-в,* расм). Таяиишдаги уз-узидан тушунарли қолатларда бир-гина «бурчак» сузининг узи кифоя қилади. Масалан (брусларда), орқага силтаниб кутарилиш — олдинга силтаниб бурчак ёки унг оёқни (унг томондаги) ёғоч устидан утказиб бурчак хосил қилиш ва ;^оказо: оёқларни ташқарига кериб таяниш (19-г, расм) ва хоказо.

Аралаш таянишлар: унг оёқда чуққайиб таяниб, чап оёқни ор-қага узатиш ёки орқага узатиб учини қуйиш (20-а, расм), букик қулларга таяниб ётиб, чап оёқни орқага узатиш *{20- 6,* расм), оёқ-ларни кериб туриб таяниш (20- *в,* расм) ва ^^оказо.

M 

^-^-^ ^П^

20- расм.

**Ғтириш** — снарядда утирган ^^олат. Утиришнинг ңуйидаги тур-лари бор: брусларда оёқларни кериб утириш (20-г, расм), сонда утириш (20-с?, расм) ва хоказо.

Снарядларда 'бажариладиган машқл-арнинг бошланишини қу-йидаги терминлар билан тагрифлаш қабул қилинган: сакраб, югу-риб келиб, осилиб туриб, таяниб туриб, қулларда таяниб туриб ва ?^оказо. Айрим )^олларда ихчамлаштириш маңсадида бевосита бош-ланғич }\аракатнинг (бириичи элементнинг) ном^! айтилаверади. Масалан, тебраниб туриш (турникда) ва гавдани ростлаб кутари-лиш!—орқага айланиш ва қоказо.

I (
X m ч 1 9 1
\
- 1^ 0 h :■ 1 ы>?<^

21-расм.

Кутарклиш — осилиб туришдан таянишга ёки пастроқ таяннш-дан юқорироқ таянишгз' утиш. (Қаракатни 'бошни олдинга қарат-ган қолда бажарилади.) Кутарилишиинг қуйидаги турлари бор: галма-гал кучаниб кутарилнш *(21-а,* расм), кучаннб кутарилиш (21-б,, расм), бир оёқни силкитиб тунтарилиб кутарилиш (21-в, расм,) силтаниб тунтарилиб кутариллш', кучангю тунтарилиб кута-рилиш, унг (чап) оёқда кутарилиш иккала оёқда кутарилиш (21-г, расм), гавданн ростлаб кутарилиш ва хокаэо.

**Пастга ташланиш** — кутарилишга тескари харакат. Аста-сскин ташланишни пастга тушиш деб айтиш қабул қнлннган.

**Айланиш** ■—гимнастикачининг таянишдан бошланиб, снаряд (турннк, ёғоч ва қоказо) уқи атрофида айланма харакатланиши. Айланишнинг қуйидаги турлари бор: оёқларни кериб таянишдан олдинга (орқата) айланиш, таянишдан олдинга ёки орқага айла-ниш, катта айлаииш.

**Бурилиш** — гавданинг вертикал уқ атрофида >^аракатланиши. Бурилишнинг нуйидаги турлари бор: олдинга силтаниб бур"илиш, срнага 'силтаниб бурилиш, оёғини осмонга қилиб туриб бурилиш ва :қоказо.

**Оёқни осмонга қилиб туриш** — гимнастикачи танасининг бирон , қисмига таяниб, оёқларини юқорига узатган вертикал 5^олат. Бундай туришнинг қуйидаги турлари бор: елкада, қулларда, бир қулда ва жоказо. Уни ижро этиш усуллари: кучаниб, силтаниб, букилиб, керишиб ва }^оказо.

**Тебраниш** — айланиш уқига нисбатан эркин ^^аракатланиш. Ижро усуллари: кучаниб, букилиб, сакраб. Бир неча бор силта-ниш — **тебраниш** дейилади.

**Ёйсимон тебраниш** — таянишдаи ёйсИхМон ?^аракат қилиб осилишга утиш'.

**Учиш** — бу шуғулланувчининг снаряд (одатда ;^алқа) билан биргаликда бир марта тебранма харакат қилишидир. Бир неча бор учиш **учиб туриш** дейилади.

**Қул орасидан айланиш** — муайян }^олатдан елка буғинини буралтириб, гавданинг горизонтал уқ атрофида айланиши. Бундай айланиш йуналишига қараб олдинга ва орқага булади. Зарурат булса, қандай тебраниш' ёрдамида бажарилиши к^фсатилади.

Силтаниш х^аракаталарини (силтанишларни) белгилаш учун қуйидаги терминлар ишлатилади:

**Утказиш** — оёқни (оёқларии) снаряд тепасидан }^аракатланти--риш.

**Доира** — оёқни (оёқларпи) яхлит (эллипссимон) .^аракатлантириш. Доиранинг қуйидаги турлари булади: унг оёқда доира, унг оёқда чапга доира, чапдан орқага доира, унгдан орқага доира, бурилиб доира ва ?^оказо. Оёқларни букмай жипслаштириб бажариладиган доира; кундаланг доира, керишиб доира ва ^^оказо.

**Чалиштириш** — оёқларни бир-бирининг урнига қарама-қарши утказиш. Бундай утказишнинг оддийсини (қайсидир оёқ қарама-қарши томонга утказилгандан кейин бажариладиганини) қисқа булсин учун «чадиштириш» дейилади. Чалиштиришнинг турлари-ни эса керакли аниқлик киритиб аталади. Масалан, оёқларни букиб чалиштириш, тескари чалиштириш, бурилиб чалиштириш ва }^оказо.

**Кириш** — снаряд ёнида дастлабки г^олатда турган гимнастикачининг таянч қули атрофида доира ясаб бурилиб, дастакларга таяниб қолишини курсатувчи термин. Бу машқ бир оёқда доира ясзб ■бажарилиши қам мумкин (қайси оёқда бажариши курсати-лади).

**Утиш** — ижрочининг снарядда (бирон элементни бажараётган-*да)* қулларини кучириб тутиб, унг ёки чап томонга силжиши.

**Чиқиш** — киришга тескари. қаракат қилиб (КОНБНИНГ) бошқа қисмига утиш.

**Учиб утиш** "гимнастикачининг қулларини қуйиб юбориб снаряднинг бир томонидан иккинч1| томонига (бурчакли, букилиб, оёқ-

ларни кериб ва >^оказо), шунингдек, бир снаряддан иккинчисига ёки бруснинг бир ёғочидан иккичисига кучиши.

**Сакраб тушиш** — снарядда осилиб ёки таяниб турган ^^олатдан ерга сакраб тушиш. Сакраб тушишнинг қуйидаги: олдинга теб-раниб, орқага тебраниб, олдинга ёки орқага силтаниб бурилиб, ёйсимон, айланиб, тунтарилиб, қулларнинг орасидан, сал^то ва ;^оказо турлари мавжуд. Шунингдек (таяниб туришдан ва қул-ларда туришдан) оёқларни букиб, оёқларни кериб сакраб ту-шиш.

**Сакраш** — оёқларда депсингандан кейин эркин парвоз қилиб мамум масофадан (баландлигига, 'узунасига) ёки тусиқдан (снаряддан) утиш.

**Таякиб** сакраш — қулларда қушимча таяниб (туртки бериб) бажарилади. Таяниб сакрашнинг қуйидаги: оёқларни букиб сак-раш, оёқларни кериб сакраш, ёнлама сакраш, бурчакли сакраш, тунтарилиб сакраш' ва }^оказо турлари бор.

Силкиниш — депсингандан кейин оёқларни орқага дастлабки силташ.

### 3.6. ДКРОБАТИК МЛШҚЛДРКИНГ ТЕРМИНЛАРИ*

Думаланкш — таянчга бирнн-кетин қул теккизиб гавдани ай-лантириш (бош' орқали тунтарилмай). Думаланишнинг қуйидаги: олдинга думаланиш, ёнга думаланиш, айланма думаланиш, ор-қага букилиб (турган холатдан) думаланиш' сингари турлари бор.

Ғужанак булиш — гавданинг букланган .холати (тиззалар елка-ларга тортилган, иликларни тутган қулларнинг тирсаклари би-қинларга ёпишган). Ғужанак булишнинг ётиб, утириб ва чуққа-йиб ғужанак булиш, шунингдек кенг ғужанак булиш турлари бор.

**УмбалОқ ошиш** — гавданинг аввал гаяниб, кетма-кет бош орқа-ли тунтариладиган айланма :^аракати. Умбадоқ ошишнинг қуйи-даги: олдиига думбалоқ ош'иш, қулларга таянгунча учиш фазаси булган сакраб думбалоқ ошиш *{22-а,* расм), учатуриб думбалоқ

-/

/

^ X

■ **22- расм.**

ошиш, бурилиб бошқа томонга қараб қоладиган думбалоқ ошиш, орқага думбалоқ ошиш, орқаса думбалоқ ошиб тиззага таяниб Ңолиш *(22-6,* расм), эгилиб орқага думбалоқ ошиш, керишиб бир елка томондан орқага думбалоқ ошиш ва хоказо турлари мавжуд.

Мураккаброқ машқлар 2 - китобда берилади.

**Тунтарилиш** — гавданинг битта ёки иккита фазаси булган ту-лиқ айланиб оладиган (қулларга таяниб, бошга таяниб ёки }^ам қулларга, ;^ам бошга таяниб) айланма даракати. Тунтарилишнинг қуйидаги: ёнга тунтарилиш, бошда туриб тунтарилиш, тунтари-либ бир оёқда тушиш, сакраб тунтарилиш ва шу сингари турла-ри бор.

Орқага **тунтарилиш** — гавданинг қулларга таяниб орқага ай-ландиган "^аракати. Қулларда, бошда туриб қолишгача айланиб бажариладиган ва бошқа хиллари }^ам булади.

ЧархпалаК'—гавданинг учиш фазасисиз (қу^лларга таяниб) тулиқ тунтарилиб оладиган бир текис айланма қаракати. Икки оёқдан бошлаб, яна иккала оёққа тушиб, шунингдек бир оёқдан бошлаб ва оёқларни алмашлаб бажарилиши мумкин.

Рондат — орқага бурилиб иккала оёққа тушадиган тунтйрилиш.

Курбет—қулларда туриб орқага сакраб оёқларга тушиш.

Гавдани ёзиб **кутариши** — букилиб (куракларда) қулларга тая-ниб ётган :^олатда'Н оёқларга сакраб туриш. Сакраб утириб олса, оёқларни кериб утириб олса, тиззаларида туриб қолса қам бу-лади.

Гавдани ёзиб бурилишда харакат гавдани ёзиб кутарилишдан бошланиб тулиқ орқага бурилинади-да таяниб ётиб қолинади. (360° бурилиш керак булса, у ало:>^идГа курсатилади).




23- расм.

Салħто — гавданинг қавода эркин тунтарилиши. СалБтоннng қуйидаги: олдинга салвто, силтаниб салвто (23-расмлар), орқа-га салБто, шунингдек ярим бурилиб салħто, бурилиб салвто ва хоказо турлари бор.

Сур^ат билан :>^аккалаш — силтанувчи оёқда сал-пал сакраб-сакраб қуйилади. Бунда иккинчи оёқ букиб олдинга узатилган, қуллар юқорида булади. Сакрашли акробатикада боғловчи эле-мент сифатида қулланилади.

Куприк — таянчга орқа угириб гавданинг максимал даражада эгиб букилган, ёйсимон ;^олати. Куприкнинг қуйидаги: куприк (24-а, расм), бир қулда куприк (24-6, расм), бир оёқда куприк (-24-в, расм), билакларда куприк (24-г, расм), тескари куприк, масала^н чап оёғ-у унг қулда куприк туриш (24- *д,* расм) ва .^ока-30 турлари мавжуд.

Шпагат — оёқларни ни;^оят даражада кериб утнриш (.'^ар икка-ла оқнинг бутун узунаси буйлаб таянчга тегизиб утириш). Шпагат-

.l,

г 11- 1. { *aYг*

24- расм.

нинг {0'йнДаги: шпагат *(25-а,* расм), унг *(25-6,* расм), чап шпагат (унг, чап дейилганда олдинга узатиладиган оёқ назарда тутила-ди); унг оёқ, унг қулни ёки чап оёқ, чап қулни олдинга узатиб (25- *в,* расм) шпагат, энгашма шпагат ва бошқа турлари бор.

-г±-: -е- >Λ Λ:- -.«'

25- расм.

Ярим шпагат — шпагатга ухшаш, аммо олдиндаги оёқ букилган }^олат (25-г, расм), энгашма ярим шпагат *(25-д,* расм), орқага энгашма шпагат ва }^оказо.

Туриш — гавданииг оёқлар юқорига узатилган вертикал қолати. Туришнинг қуйидаги: куракларда туриш *(1-г,* расмга қаранг), каллада туриш (1-^, расмга қаранг), қулларда туриш *(1-е,* расмга қаранг), қулларда турганда ораси сал очиқ (панжалар ораси елка кенглигининг ярмнча очилган булади), кенг очиқ, жипс қулларда, бир (унг, чап) қулда туриш' мумкин. Туришга чи-қишнинг усулларини қисқача мана бундай белгилаш қабул қилин-ган: к у ч а н и б (қуллар тирсагидан, оёқлар ,чаноқ-сон буғинидан букилади); д у м а л а и и б (қулларГа бирин-кетин таяниб айлан-ма ;^аракат қилиб); с и л т а н и б (унг ёки чаи оёқ билан); бу-к и л и б (қулларни букилмайди, гавда чаноқ — сон буғинидан бу-килади); к е р и ш и б (қулларни- букилиб, гавда эгилади); с а к-раб (икки қулга тушилади); о р қ а г а т у н т а р и л и б туриш ва л;оказо турлари бор.

Икки кишилик ва группавий машқларда )^ам шу терминлар ишлатилади-ю, лекин қар қайси ижрочининг дастлабки ва пиро-вард .холати (юқоридаги акробат гавдасининг қайси қисми бнлан пастдагн акробат гавдасининг қайси қисмига таяниши) курсати-лади. Масалан, сонга таяниб чиқиш, орқадан чиқиш ёки ётган шеригининг қулларида елкада туриш; пастдагисининг тиззаларида туриш ва қоказо.

Батутда бажариладиган машқларда махсус терминлар қулла-нилади.

Сапчитиш —турнинг сакраб тушган акробатни қайтариши.

Сакрама ?^аракат (сур^ат билан сакрашлар)—ижрочн парво-зини ошириш учун нулланилади. Қолган терминлар гимнастика термнологиясига мувофик тузилади.

### 3. 7. БАДИИЙ ГИМНАСТИКА МАШҲЛАРИИИНГ ТЕРМИНЛАРИ

Одимлаш — жойдан-жойга кучинпшнг хилма-хил турлари. Одимлашнинг куйидаги: оддий одимлаш, оёқ учига кутарилишдан бошлаб одимлаш, оёҳлар учида одимлаш, кескин одимлаш, таш-ланиб-таш'ланиб одимлаш, лукиллаб одимлаш, алмашлаб одим-, лаш, полБка ҳадами билан одимлаш ва }^оказо тур.лари бор.

Югуриш — .'^ар бирида у-чиш фазаси булган одимлаш. Югуриш-даги номлар одимлашдагн номларга ухшаш.

Бурилиш — гавданинг ,вертикал ёки узунасига уң атрофидаги айланма харакати. Бурилишнинг қуйидаги: оёҳларни олиб-қуйиб (унг ёки чап оёқдан бошлаб) бурилии!, оёқлар учиДа бурилиш, чалиштирма бурилиш, силтаниб бурилиш, бурама бурилиш, шу-нингдек чуққайиб, мувозанат сақлаб) бирон мувозанат туридаги холатни сақлаб туриб) бурилиш ва >^оказо турлари бор.

Сакраш — оёқларда депсингандан кейин эркин парвоз этиш. Харакат кула^ми ва гавданинг >^аводаги қолатига қараб сакраш'-нинг қуйидаги: туғри сакраш, букилиб сакраш, керишиб сакраш, очиқ сакранг, ёпиқ сакраш, одимлаб сакраш, сапчиб сакраш', чарх-палаксимоп сакраш, таяниб сакраш, ташланиб сакраш, ярим >^ал-қасимон (қалқасиман) *сшраш* ва қоказо турлари мавжуд.

Қулларни пружинасимон ^^аракатлантириш—барча буғинлар-ни бараварнга букиб пружинасимон яхлит қаракат қилиш. Турли йуналишларда бажарилади.

Тулқинсимон — дунгсимон ярим чуққайишдан бошланадиган, буғинларнинг кетма-кет бири ёзилиб, бири букилишидан иборат мураккаб яхлит қаракат. Тулқинсимон қаракатнинг қуйидаги тур-лари бор: олдинга қараб тулқинсимон; унг томонга, чал томонга (ёнлама) тулқинсимон >^аракатлар.

Қулни тулқинлатиш — қулни (қ5'лларни) букиш (узи томонга) ра паҥжани осилтиришдан бошланиб, кейин ёзиш (узидан нари-га) билан бир вақтда панжани кутаришдан иборат тулқинсимон қаракатлантириш'. Панжанинг қолатини мана бундай деб^аташ қабул қилинган: одатдагича (курсатилмайди), панжа бемалол тутилган; панжа бушаштирилган, панжа кутарилган.

### 3.8. МАШНЛАРНИ ЁЗИБ БОРИШНИНГ ҚОИДА ВА УСУЛЛАРИ

Гимнастика машқларини тушунишда уларни қисқа ва' аниқ қи-либ ёзишнинг муқим ақамияти бор. Ёзиш қуйилган мақсадга қа-раб, умумлаштирилган, конкрет, қисқартирплган, график тарзда ёки шу усулларнинг бирлашмасидан иборат булиши мумкин.

Гимнастика машқларининг терминологик ёзуви юқорида баён этилган қоидаларга' асосан қамда белгиланган усулларда булади.

Ёзиш қоидаларига қуйидагилар киради: гимнастика машқла-

рининг айрим группалари учун белгиланган ёзув тартиби, ёзувда қулланиладиган грамматик тузилиш ва белгиларга риоя 1^илиш. Қуйида ана шу қоидаларни куриб чиқамиз.

Умумривожлантирувчи машқларнинг ёзилиши. Айрим ҷаракат-ни ёзишда қуйидагилар курсатилиши керак:

1. Қаракат бошланадиган дастлабки }^олат (д. х.).

2. Даракатнинг номи (эгилиш, бурилиш, силтанрш, чуққайиш, ташланиш ва ^^оказо).

3. }^аракат йуналиши (уңг точмонга, орқага ва )^оказо).

4. Пировард ?^олат (зарурат булса).

Бир вақтда бажариладиган бир нечта ^аракатни ёзишда :?^ам айрим :қаракатни ёзишда нималар курсатилса, шуларни курсатиш қабул қилинган, лекин бунда олдин асосий қаракат (одатда гав-да ёки оёқлар ?^аракати), кейин бошқа ^^аракатлар курсатилади. Масалан: д. }^.— оёқлар керилиб, қуллар елкада. 1*. Унг оёқни букиб қуллар юқорига кутарилган ^олда чап томонга эгилиш. 2. Д. ^.

Бир вақтда бажариладиган бир нечта ^^аракат (:г^атто бир са-ноқда бажариладигани .қам) қандай тартибда ижро этиладиган булса, худди шундай кетма-кетликда ёзилади. Масалан: д. *х,.*— қулларни ён томонларга узатиб, оёқларни кериб туриш. 1. Чап томонга бурилатуриб унг оёқни ёйсимон пастга тушириб, бунда унг оёқ орқадз' учига қуйилган булади, қулларни олдинга узативд. 2. Унг тиззада туриб, қ5'лларни юқори кутариб, бошни орқага эгиш.

Агар ;^аракат бошқа ^^аракат билан кетма-кет қушиб бажарил-са, элементларни «ва» боғловчиси билан бирлаштириб бирин-ке-тин ёзилади. Масалан: д. ^.— қуллар белда, оёқлар керилган. Қе-ришиб олдинга энгашиб, қулларни ён томонларга узатиш' ва чап-га бурилиш. Бундай ёзилганда бурилишни энгашиш охирида (энгашишйи махсус татэкидлагандек) бажарилади.

Агар ^^^аракат бошқа харакат билан баравар бажарилса (қо-зиргн мисолда энгашиш билан бурилиш бир вақтда ижро этил-са), унда «...туриб» сузини ишлатиш керак булади.

}^аракат одатдаги услубда бажарилмаса, бу хол ёзувда акс этиши керак. Масалан: қуллар олдинга охиста узатилади, панжа-лар бушаштирилган ва ;^оказо.

**Эркин машқларни ёзиб олиш.** Эркин машқлар муайян тартиб-да ёзиб олинади:

1. Машқнинг номи (кимга мулжаллангани).

2. Жур буладиган музика. Асарнинг номи, унинг қажми кур-сатилади.

3. Дастлабки 5^олат.

4. Машқнинг мазмуни музика асарининг тузилишига мослаб, масалан саккизликларга булиб ёзилади Мажбурий машқни ёзиш-да (мусобақалар учун) текстнинг унг томонида элементлар ва

* *Маиж* тавсифидан олдинги рақамлар саноқни билдиради.

бирлашмаларнинг Нисбий ңийинлнги (баллари ёки қийинлик груп-палари) курсатилади.

**Снарядлардаги машңларнинг ёзиб олиниши.** Гимнастика сна-рядларидаги мақшларни ёзишда снаряднинг номидан ташқари яна қуйидагиларни курсатиш қабул қилинган:

1-. Дастлабки қолат (осилиб туриб, таяниб туриб, сакраб, югуриб келиб) ёки биринчи элементдан олдинги қаракат (қуллар-га', билакларга таяниб тебраниб туриш).

2. Қаракатнинг номи (кутарилиш, настга ташланиш, учиб утиш, айланиш, қул орасидан утиш ва з^оказо)..

3. Ижро этиш усули (гавдани ёзиб, ёйсимон, орқага силтаниб, тунтарилиб).

• 4. Йуналиш (чапга, орқага ва қоказо).

5. Пировард долат (осилиб қолиш, орқадан таяниб қолиш) — қаракатнинг узи пировард қолатга олиб келмаса.

Гавданинг алоқида қисмлари қаракатларини ёзишда уларни бир-биридан вергул билан ажратиб қуйиш керак.

Снарядлардаги комбинаңияларни сатрга кетма-кет ёзишда асо-сий элементлар (бирлашмалар) бир-биридан тире белгиси билан ажратилади. Масалан, турникда: тебраниб туриш'—гавда ёзиб кутарилиш — орқага айланиш — ёйсимон силтаниб чап томондан орқага айланиб турлича тутиб осилиб қолиш—орқага силтаниб сакраб тушиш ва ;^оказо.

Мажбурий машқларни (мусобақалар учун) ёзишда эса қар бир элемент ёки бирлашма абзапдан езилиб, ундан унг томонда нис-бий қийинлик курсатилади. Масалан, конhда:

| | |
|---|---|
| Сакраб чап оёңда унг томонга доира | 2,0 |
| Унг оё!^ни утказиш | 0,5 |
| Чап томонда чалин^тириб утказиш ва жоказо | 3,0 |

Оёқларни снарядга тегизиб утказишни «буйлаб» сузини қу-шиб, тегмай утказилишини эса «устидан» сузини қушиб ифода қилинади. Масалан, брусларда: гавда ёзиб кутарилиш — орқага силтаниб унг оёқни чап ёғоч буйлаб утказиш — орқага силтаниб чап оёқни чап ёғоч устидан утказиш ва бурчак — шундай туриш.

Икки ва ундак ортиқ элементни кетхма-кет бир-бирига улаб бажарилишини «ва» боғловчиси билан, иккита харакатни бирга-ликда бажарилишини эса «...туриб» сузини қушиб ёзиш билан ифода қилинади. Масалан, турникда: унг оёқда кутарилиш ва чап томондан орқага бурилиш ёки унг оёқда кутарила туриб орқага бурилиш' ва қоказо.

Қисқароқ ёзиш ва талаффузни осонлаштириш мақсадида ай-рим тагрифларни ташлаб кетиш, шунингдек, ага.р тушуниш осон-лашадиган булса, юқорида курсатилган тартибда (кетма-кетлик-да) ёзйшдан четлашиш ^ам мумкин.

**Акробатика машқларининг ёзилиши.** Акробатика машқларини

ёзишда ба^зи хусусиятларни ^исобга олиб, юңорида курсатилган қоидаларнинг узи ңулланилади:

1. Тулиқ айланилмайдиган элементларни (масалан, думбалоқ ошишларни) бажаришда пировард }^олат курсатилиши керак.

2. Го:қо бир *){олагдан* иккинчисига утиш: махсус термин қулланишини талаб қилмайди. Масалан, унг оёқдаги мувозанат-дан — каллада тзфиш ёки қул.тарда туришдан — каллада туриш ва хоказо.

3. Ижрочининг бирон элементдан ()^аракатдан) кейинги )^о-лати шундан кеййнги элементнинг бажарилиш усулини белгилаб бериши *^шобгг* олинади. Масалан, тиззаларда туришдан думала-ниб елкада туриш ёки чуңңайиб таянишдан орқага думаланиб куракларда туриш ва :қоказо,

4. Пировард -^^олат .харакатниңг узидан равшан булмаган тақ-< дирдагина ёзилади,

**Бадиий гимнастика машқларининг ёзилиши.** Бадиий гимнастика машқларини ёзишда эркин маш'қлар учун белгиланган қоидалар-дан фойдаланилади. Булардан ташқари ?^аракатларнинг характе-ри, тасвири, ривожи ва ифодалилиги курсатилиши керак.

Гимнастика машқлари ёзилишининг асосий усуллари:

*1.* У м у м л а ш ' т и р и л г а н ё з у в. Уқув программалари ва бошқа программаларда :қар бир харакатнинг аниқлиги талаб қи-линмай, гимяастика маш'қларининг мазмунинигина курсатиб (са-наб) утиш керак булганда мазкур усулдан фойдаланилади. Ма-салан, таянишдан ва коныа ортдан таянишдан оёқларни чап ёки унг томонга утказишда.

2. К о н к р е т т е р м и н о л о г и к ё з у в }^ар "бир элементнинг (машқнинг терминология қоидаларига мувофиқ равишда аниқ ифодаланишини назарда тутади) бундай ёзув намуналари юқо-р.ида келтирилган).

3. Қ и с қ а ёзув конспектлар тузишда, зачёт машқларини ва бошқа 'Машқларни ёзишда қулланилади Бунда терминлар қис-қартириб ёзила'ди (шартли қисқартишлар қулланилади). Маса-лан, хр.— қаракат, эл.— элемент, бирл.— бирлаш!ма, бел.— белги-лаш, т.—тутиш, ю/ё— юқори ёғоч, мш.— машқ, д.:>^.— дастлабки >5олат, шунингдек гимн,— гимнастика, акроб,— акробатика ва ^оказо.



26- расм.

4. Г р а ф и к ёзув (тасвир мустақил ва ёрдамчи .а>^амиятга эга булиши мумкин. Бундай ёзишнинг чизиқли *{26-а,* расм), ярим контурли (26- *б,* расм) ва контурли (26-*в,* расм) турлари қулла-нилади. Чизиқли тасвир энг қулай ^^исобланади. У жуда тушу-нарли ва тежамлидир. Бундай ифода усули жуда тез бажарили-ши туфайли, гимнастикадаги кундалик амалий ишда жуда қул келади.

5. Т е к с т л и ва г р а ф и к ёзувни биргаликда қулла-н и ш — бу ёзишнинг амалда кенг тарқалган қулай усулидир. Ма-салан:

| Ка~ | д. ^. | Санок | Тавснф (терминологик) | График ёзув |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Оёқларни кериб ту-риш | ,ı2—3 | Қулларни икки ёнга узатиб, олдинга энгашиш.<br>Ерга қулларни тегизиб, икки марта пуржинасимон энга-шиш<br>д. ^. | (13-расм, е га қаранг)<br><br>(13- расм, а га қаранг) |

Зикр этилган формалардан ташқари з^озирги вақтда машқлар-ни киносуратга олиш тобора кенг қулланилмоқда (бунда класси-фикаңион программа машқлари, контрол учун машқлар суратга олинади ва жоказо). Қинофилвм ёрдамида з^озирги замон гимнас-тикасида ишлатиладиган барча }^аракатларнинг энг нозик томон-ларигача курсатиб бериш жуда қулайдир.

Амалдаги гимнастика терминологияси муайян машқлар спеди-фикасини яққол "акс эттирувчи термин — сузлар билан муттасил бойиб боради. Бироқ терминлар тузишнинг қарор топган қоидала-ридан ?^еч қачон четга чиқиш керак эмас, албатта, чунки бундай четга чиқиш терминологиянинг бузилишига, жаргончиликка олиб келиши мумкин.

## 4- б **о б**

## ГИМНАСТИКЛНИНГ ТУРЛАРИ

### 4. 1. ҒРГАТИШНИНГ МАҢСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА БОСҢИЧЛАРИ

Гимнастика машқларини урганишдан мақсад, хар қандай пе-дагогик жараён сингари, харакат куникмаларини, малакаларини шакллантириш ва махсус билим олишлари учун шуғулланувчи-ларнинг уқитувчилар рақбарлигидагн планли фаолиятини уюшти-ришдир.

Гимнастика машқла^рини ургатиш жараёнида қуйидаги асосий вазифалар .\ал этилади:

шуғулланувчиларнинг умумий ?^аракат ва спорт тайергарлиги учун а:қамиятли булган ^^аракат куникмаларини шакллантириш;

куч, тезкорлик, қайишқоқлик, эпчиллик, чидамлилик сингари жисмоний хислатларни тарбиялаш;

профессионал — педагогик куникмаларни (махсус укув юртла^ ри студентларида) шакллантириш.

Гимнастика машқларини ургатиш жараёнида }^ал этиладиган ало.^ида вазифалар }^ар бир конкрет ?^олда ?^аракат структураси-ни, уни бажариш шароитининг хусусиятларини ва укувчиларнинг тайёргарлик даражасини ба}^олаш асосида белгиланади.

Гимнаетика машғулотларида узлаштириладиган машқлар хил-ма-хил булиб, улар гавда ало}^ида қисмларининг оддий }^аракат-лари, содда туриш холатларидан (асосий туриш, осилиш, таяниш-дан) то жисмоний ва харакат қобилиятларини максимал ишга солиш билай боғлиқ булған муракаб 5^аракат фаолиятларигача (масалан, >^алқаларда қулларни икки ёнга узатиб таяниш — ча-лиштириш, турникдаги ёки эркин машқлардаги учлама салвто) }^аракатларини уз ичига олади. Шунинг учун багзи бир машқлар-ни урганиш осон кучади. Бу машқларни узлаштириб олиш учун уларнинг бажарилишини куриш ёки номларини эслаб қолишнинг узигина кифоя қилади. Бошқа машқларни урганиш эса узоқ муд-дат тренировка қилиш билан боғлиқ булади.

Конкрет гимнастика машқини ургатишнн шартли суратда уз-аро нидоятда боғлиқ булган уч босқичга булиш мумкин.

Биринчи босқич — х^аракат }^ақида умумий дастлабки тасаввур ?^осил қилишдан (бошланғич татзлимотдан) иборат булиб, бундай тасаввур *^ар* қандай қаракат фаолиятини онгли узлаштириш за-минида ётади. Янги }^аракат туғриеидаги (унинг формаси, кула* ми, тагсир йуналиши, ало}^ида қолатлари ва қоказолар туғрисида-ги) дастлабки маг.лумотлар ва укувчи хотирасида жамланған )^а-ракат тажрибаси натижасида булажак қаракат фаолиятининг дастлабки програмлмаси тузилишини тагминловчи умумий боғла-нишлар қарор топади.

Иккинчи босқич — бевосита ^^аракат техникаси асосларини эгаллаш, (машқни жуда пухта урганиш). Бу босқичда укитувчи билан укувчининг биргаликда фаол ишлаши натижаси улароқ машқ қақидаги тасаввур аниқланади, хатоларга барқам берилади, - машқларни қаттиқ назорат остида мустақил бажариш тагминла-нади.

Учинчи босқич — >^аракат техникасини муста?^камлаш ва тако-миллаштириш. Бу харакатни бошқариш даражасини муқаррар ав-томатлаштирилган куникма даражасига етказиб, шу туфайли шу-ғулланувчи машқларни турли шароитда (мусобақалар ва бошқа чиқишларда) узоқ вакт давомида бажариб юра олади.

Машқни ургатиш жараёни тугагандан кейин бутун фаоли-ят узлаштириб олинған машқ вариантларини бажаришга; илгариги машқдагига ухшаш деталлари бор, техникаси мураккаброқ машқ-ларни бажаришга; нжро шароитини узғартиришга, масалан, бош-Қа машқлар билан бирлаштириб бажаришга қаратилиши мумкин.

I

[

## 4. 2. ГИМНАСТИКА МАШКЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ УЗЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

**Биринчи шарт.** Гимнастика машқлари ургатишни муваффақиятли ташкил этишнинг биринчи шарти — уқувчининг тайёрлик даражасини аниқ ба)^олашдир. Бунда укувчининг потендиал имкониятлари ңуйидаги курсаткичларга биноан ба^оланади:

харакат тайёргарлиги (узлаштирган з^аракатларининг з^ажми ва характери,, :қаракатларни урганишдаги типик ңийинчиликлар, укувчида янги ^^аракатлардагига ухшаш }^аракат тажрибасининг мавжудлиги;

жисмоний тайёргарлиги (янги з^аракатни урганиб олишда қал ңилувчи ах^а^миятга эга булган хислатларнинг камолот даражаси);

психик хислатларининг (укувчиларнинг дадиллиги, қатт>ийли-ги, узоқ вақт давом этадиган асабий зур беришларга реакңия-си ва бошқа шахсий хислатларининг) қай даража ривож т'оп-гани.

Уқувчининг қобилиятини баз^олаш характери айни чоқда қан-дай машқ урганаётганлигига боғлиқ. Гимнастика машқлари эса ни}^оятда хилма-хил, шунинг учун янги ;^аракат урганилаётгандаги >^ар бир конкрет >^олда укувчининг имкониятларини аниқлаш уз-гариб туриши мумкин.

2. Брус ва 5^алқаларда таянган }^олатда қулларни букиш ва туғрилаш. 1

Шу машқларнн узлаштириб олгандан кейин }^алқада куч би-лан кутарилишни ижро этишга киришиш мумкин.

*Ургатиш:* Кутарилишни наст (елка баландлигидаги) з^алқада бажаришдан бошлаш керак. Дастла-бки уринишлар ;букилган қ^^л-ларда таяниш г^олатига чиқишта имкон берадиган даражада оёқ-лар билан о)^иста депсиниб 'бажарилади. Сунгра шунинг узини оёқлар билан депсинмай бажариш тавсия қилинади. Навбатдаги уринишларда қалқалар полда тик туриб, туғри қуллар 'билан «чу-қур» ушлаш имкониятини берадиган даражада баландликка ку-тарилади. Бунда осилиш }^олатидан букилган қулларда таяниш!га кутарилиш пайтида белдан ушлаб ёрдам курсатиш зарур буладн. Доимо қулларни туғри турнши х^олатига эгтибор бериш лозим.

### 11.2.4. Конhда бажариладиган машңлар

КонБ (силтаниш ва айлантиришлар учун), >^аққоний равишда эркаклар гимнастика куп курашининг энг мураккаб турларидан бири хисобланади. КонБда бажариладиган машқларни хусусият-лари қуйндагилардан иборат:

1) конБда бажариладиган барча машқлар таяниб ижро этила-Ди, бу эса елка буғини вз' тананинг юқори қисмларидан катта куч сарфлашки талаб қилади;

2) конБда бажариладиган машқлар бир қулда таяниш ва икки Қулда таяниш фазаларининг навбатма-навбат алмашиниши билан боғлиқ; бундай навбатланиш мувозан^ат сақлаш шартини қийин-лаштиради, чунки тананинг доимо қаракатланиб турадиган у. о. м. Ни гоқо каттароқ, го}^о нисбатан кичикроқ таяниш майдони устида Ушлаб туриш: зарурати туғилади. Бу гимнастика асосий курсида

қулланиладиган оддий машқларни бажаришда х;ам ^^аракатларни яхши координапия қилишни талаб қилади;

3) конҺда силтанишларда асосий >^аракатлар (асосий курсда урганиладиган) фронтал юзаликда содир буладвд

КонБда қуйидаги ушлаш усулларидан фойдаланилади (брус-да таянишдз' *ушлаш* усулларига батамом ухшаш):

а) оддий ушлаш'; б) бир қул 'билан тескари ушлаш («бруслар-да таяниб ушлаш усулларига» қаралсин).

Асосий машқлар:

**Таяниш ;^олатидан бир томонлама ичкарига ва орқага силта-ниб утиш (унг оёқ билан унг томонга)** (95-расм). Унг томонга силтанишда иккала оёқ охирги қолатга етиши биланоқ, унг оёқ



95- расм.

ён томонга иложи 'борича юқорироқда (унг елка баландлигига-ча) йуналтирилади. Бунда бутун гавдани чап томочга кучириш керак, токи унг қулни дастадан қуйиб юбориш мумкин булсин. Қулни қуйиб юбориб, унг оёқ олдинга конк устидан силтаниб ути-лади ва иложи 'борича тезроқ унг қулни унг сондан ошириб утиб, яна қайтиб унг дастадан уш'лаш керак. Иккала қул *ёилан* тая-ниш фазасида оёқлар билан чап томонга силтанилади, асосий диқ-қат чап оёқ билан силтанишга қаратилади, (уни чап томонга чап елка баландлигида

I11 кутариш лозим). Чап .оёқни тушираётиб, у би-лан унг томонга конв баландлигида силтанилади ва унг қулни қу-йиб юбориб, унг оёқни КОНҺ устидан силтаб утиб, дастадан қай-та ушланади. Шу ^олатдан чап томонга силтаниш бошланади ва шунга ухшаган ^^олда чап оёқ билан олдинга силтаниб ^тилади.

*Упгатиш* яхлит ургатиш методи воситасида олнб борилади. *Ол*-динга силтаниб утишда тренерга унг оон остидан ва иккала қул билат» тя'яни'б, чап томонга силтанишда чап сон остидан кутариш **тавсия** қилинади.

Оёқларни кериб таянишдан тескари йуналишда силтаниб утиШ (унг оёқ- билан чап томонга силтаниб утиш). Миниб таянишдан чап томонга силтанилади (олдинги машқга қаралсин) ва чап қулни оғирликдан бушатиш учун бутун тана унг томонга йуналтирила-ди. Чап дастани қуйиб кэбориб, унинг устидан унг оёқ ошириб ^^■тилади ва шу за^^отиёқ *дастадан* ушлаб олинилади. Буни иложи борича тез, токи чап оёқ узининг охирги 5^олатидан (елка баланд-лигидан) пастга тушиб кетмасдан олдин бажарилсин.

*Ургатиш:* Тренер шуғулланувчининг орқасидан туриб, унг оёқ

билан орқага силтанйш вақтида чап оёқни имкони борича **чап** томонга баландроқ кутариш учун чап сон остидан кутаради. **Урга**тишни қуйидаги изчилликдз' олиб бориш тавсия қилинади:

а) уқитувчи ёрдамида 1—2 марта чап томонга силтангандан кейин, унг оёқ билан чап томонга силтаниб утиб, унг оёқ **билаН** орқага сакраб тушиш;

б) шу машқнинг узи, фақат таяниш қолатида;

в) «а» машқни тренер ёрдамисиз бажариш;

г) силтаниб у™б таяниш қолатида қолишни мустақил ижро этиш.

Таянищдан бир оёқни бир томонлама айлантиришлар (унг оёқни унг томонга айлантириш) (96-расм). Бу айлантириш иккита



Т "^ "\^

96- расм.

силтаниб утишни: бир оёқни олдинда тутиб таянишдан бир томонлама ичкарига ва тескари йуналишда силтаниб утишни биргаликда ижро этишдан иборат. Шунинг учун унг томонга айлантириш унг оёқни ичкарига ва шу оёқни чап томонга **еилтаниб** утишни изчил (қушимча силтамасдан) ижро этишдан бошқа **нар**-са эмас.

*^ргатиш:* юқорида баён этилгандек булади:

а) уқитувчи ёрдамида—сақлаб, унг оёқни унг томонга **айлан**тириб сакраб тушиш;

б) «а» машқининг узи, фақат таяниш :қолатида қолиш;

в) «а» машқининг узи, фақат мустақил бошланади;

г) унг оёқ билан унг томонга мустақил айлантириш'.

**Чапга туғри чалиштириш** (97-расм). Бу машқ қам чап ва ^^нг билан бир вақтда ижро этилган иккита силтаниб утишнинг **бирик-**



97- расм.

масидан иборат: бир оёқни олдинга тутиб таяннщдан ч«а томон-га силтанишда унг оёқ билан чап томонга силтаниб утялади ва шунинг билан бир ваңтда чап оёң билан ичкарига силтаниб ути-лади. ' •

*^ргатиш:* Тегишли силтаниб утишлар узлаштириб олннгандан сунг яхлит метод билан ургатиш тавсия ңилинади. Тренернинг ёр-дами бир томонлама айлантиришни ургатишдагидек б^лади, сак-раб тушишни ижро зтиш бундан мустаснодир.

**Бир** оёқни олдинда тутиб таянишдан бир томонлама еилтаниб утишлар (унг оёң билан олдинга силтаниб утиб, орқадан таяниш). Унг оёңни *ор}{ад,а.* тутиб миниб таянишдан унг томонга силтаниш лозим. Тана оғирлигини чап қулга утказиб, унг даста ң;^йиб юбо-рилади ва унг оёңни олдинга утказиб, унг ңул билан шу даста-дан ңайта ушлаб олинади. Унг оёң билан олдинга силтаниб утиш тосни олдинга йуналтириш ва унг қул билан унг дастадан иложн борича тез қайта ушлаш билан бир ^аңтда бажарилиши айниқса му)^имдир. Бу қайта ушлаш доимо жуда қисқа (булиши лозим.

*Ургатиш* яхлит метод билан олиб борилади. Тренерга орқадан туриб, (конБ орңасидан) ңулни қайта ушлаш ва силтаниб ^^тиш вақтида гимнастикачини белидан ушлаб «кузатнш» тавсия қили-нади.

Орқага таяниш жолатидан бурчак ясаб, чапга-орқага сакраб тушиш.

Одатда чап оёқни олдинда тутиб таяниш қолатидан бир оёқни (масалан, унг оёқни) силтаб утищдан кейин бажарилади. Увг оёқ« ни олдинга силтаб утиш «Бир оёқни олдинда тутиб таяннш :!^ола« тидан бир томонлама силтаниб утишлар» булимида баён этилга-нидек бажарилади. Унг ңулни дастага қуйгандан кейин, ^'нг оёқ билан горизонтал юзаликда унг томондан *чапга* силтанилади, Оёқлар имкони борича эрта бирлаштирилади. Гимнастик-ачи чап қули билан конБНинг чап дастасидан орқага бел томонга итариб юбориб, мувозанатини йуқотади. Мувозанатнинг бундай йуқотили-ши унга иккала оёғини чап даста устидан утказишга ва шунинг билан 90° га бурилишга имкон беради. Машқ т;^ғри ижро зтил-ганда асбобга унг ён билан сакраб тушгандан кейин унг даста гимнастикачидан бир оз олдинда булади.

*Ургатиш:* яхлит ургатиш методи воситасидя' олиб борилади. Тренер орқадан туриб, иккала қул билан гимнастикачининг бели-дан ушлаб (айрим жолларда иккала елкасидан қам ушлайди) ёр-дам курсатиши зарур. Қуйидаги изчилликда ургатиш тавсия қи-линади:

а) тренер ёрдамида—орқага таяниш жолатидан бурчак яеаб, чапга орқага сакраб тушиш;

б) «а» машқининг узи, фақат дастлаб оёқларни *^нг* томонга узатиб, мустақил ижро этиш;

в) тренер ёрдамида—чап оёқни олдинга узатиб таяниш ^^олати-дан унг оёқни олдинга силтаб утиб, бурчак ңосил қилиб чапга—• орқаг» сакраб туш'иш;

г) «в» машқини мустақил бажариш.

### 11.2.5. Паст-баланд брусларда бажариладиган машқлар

Снаряднинг тузилиши асосий ва спорт гимнастикасининг тур-ли-туман машқларини ижро этиш имконини беради.

Қозирги замон спорт гимиастикасининг баланд-паст брусларда-ги машқлари асосан тебраниш машқларидан ташкил топган ди-намик комбинадиялардан иборат. Бу элементлар гоқо оқиста ай-лаиишлар, бурилишлар ва осилиш' }^олатидан таңнишга утиш ва яна осилишга қайтишлар )^амда го)^о бир ёғочдан иккинчисига шитоб билан тасодифий ва мураккаб учиб утишлар билан узаро бириккандир. Комбинадияларда учрайдиган статик машқлар мус-тақил ақамиятга эга 'булмасдан, бирикмалардаги машқларнинг уткинчи фазаси булиб хизмат қилади. Машқлар ургатишнинг бошланғич босқичларида статик элементлар ва шунингдек оси-лиш }^амда таянишларда ижро этиладиган энг оддий тебраниш машқлари баланд-паст бруслар учун му)^им укув материали 5^и-собланади.

Машқларнинг тебранма характери инериия кучидан туғри фой-даланиши, қаракатнинг зарур пайтида зса жисмоний зур бериш« ни талаб қилади.

Баланд-наст брусларддз' машқ бажаришни муваффақиятли уз-лаштириш^нинг муқим шарти махсус жисмоний сифатларни: қа-йишқоқлик (елка, тос-сон буғинлари, умуртқа поғонасининг бел ва кукрак қисмлари қаракатчанлиги)ни, елка ва тос-сон буғинла* рини қоплаб олгаң мускулларининг тезкорлик кучини, чидамли-ликни ва бошқа сифатларни ривожлантиришдан иборатдир.

Ёғочлардан ушлашнинг қуйидаги хиллари мавжуд:

а) устидан ушлаш (осилишда). Бармоқларнинг ички томони орқага қаратилиб, бош бармоқлар бир-бирига қаратилган була* ди. Бешта бармоқнинг қаммаси ёғоч устига қоплаб олинади.

б) пастдан ушлаш (осилишда). Еармоқларнинг ички томонй олдинга қаратилиб, бош бармоқлар эса, ташқарига қаратилади. Бешта,'бармоқнинг хаммаси ёғочни ижрочидан қарама-қарши то-мондан қоплаб олади.

Бешта бармоқ билан ёғочни пастдан ушлаш шунингдек, ^*ар* хил ва тескари ушлашларга жам тааллуқлидир. Таяниш )^олатида ушлашнинг қамма хилларида қам қар бир қулнинг турт бармоғи ушлашга тааллуқли томондан (одатдагидек), бош бармоқ эса, ёрочни қарама-қарши томондан қоплаб олади.

Асосий машқлар:

Букилиб-ёзилиб тебраниш. Юқориги ёғочда осилиш ^олатидан оёқлар тос-сон буғинидан букилиб, олдинга кутарилади. Қейин оёқларни пастга ва орқага силтаб бел қисмидан керишганча тос-сон б>ғинидан тула ростланиш ва айни ва^қтда қулларни букмас-дан оснлиб турнб, елкаларни олдинга йуналтириш зарур. Қаракат-ларнинг бутун жаммаси муайян бир тезликда тухтатилмай, зарури-ч.а такрорланиши лозим.

*Ургатиш:*

а) гимнастика деворида бурчак ясаб ва тик туриб (керилиб) осилиш;

б) паст турникда бурчак яса-б осилиш ва оёқларни орқада тутиб ётиб осилиш;

в) юқориги ёғочга осилиб, букилиб ёзилиб тебраниш'.

С т р а х о в к а в а ё р д а м к у р с а т и ш . Уқитувчи ижрочининг унг томонида туриб чап қулй билан унг қулининг елкага яқинроқ жойидан ушлайди, унг қули билан эса, сон остидан ёрдамлашади.

**Юқориги ёғочда осилишдан чуққайиб осилишга утиш.** Букилиб-ёзили'6 тебранишдан кейин олдинга силтаниб оёқларни тос-сон ва тизза буғинидан букйб, кукракка яқинроқ кутарилади ва пастки ёғочга қуйилади, ёғочни бармоқлар билан (бармоқларни букиб)| тепадан ушланади.

**Юқориги ёғочда осилиш ?^олатидан оёқларни букиб силтаб утиб, пастки ёғочда ётиб осилиш.** Букилиб-ёзилиб тебранишдан кейин олдинга силтаиив оёқларни тос-сон ва тизза буғинларидан изчил букиб, оёқлар кукракка яқинроқ тортилади, оёқ учлари пастки ёғоч устидан юқорига, кейин олдинга утказилади ва оёқ-ларни туғрилаб, соннинг таги билан пастки ёроч устига қуйила-ди. Бунда қуллар туғри тутилиши керак. Етиб осилишнинг охирги қолатидан таиа туғриланган ва бир оз керилган, бош о.^иста ор-қага энгаштирилган булиши керак.

**Юқориги ёғочда осилиш ?^олатидан оёқларни кериб силтаб утиб, пастки ёғочга ётиб осилиш.** Букилиб-ёзилиб тебранганда орқага силтаниб елкаларни олдинга актив йуналтирилади ва тос-сон буғинидан ростланади, сунгра оёқларни силтаб пастга ва им-кони борича орқароққа йуналтирилади. Олдинга силтаниб тос-сон буғинидан ва белдан тез букилиб, оёқларни кенгроқ ёзилади ва пастки ёғоч устидан силтаб утилади. Оёқлар бирлаштирилади ва бутун гавда билан керилиб, пастки ёғочга ётиб осилиш қолатига келинади.

*^ргатиш:*

а) гимнастика девори олдида тик туриб осилиш қолатидан чуққайиб осилиш, гимнастика деворида оёқларни кериб тик турганча букилиб осилиш;

б) юқориги ёғочга осилиш }^олатидан чуққайиб осилиш вз' пастки ёғочда оёқларни кериб тик турганча букилиб осилиш;

в) юқориги ёғочга осилиш қолатидан оёқларни букиб сңлтаб утиб, пастки ёғочда ётиб осилиш;

г) юқориги ёғочга осилиш қолатидан оёқларни кериб силтаб утиб, пастки ёғочда ётиб осилиш;

С т р а х о в к а қ и л и ш ва ё р д а м к у р с а т и ш ' . Уқитувчи унг томонда—орқада туради. Орқага тебранганда чап қули би-лан шуғулланувчини унг қулининг елкага яқинроқ жойидан уш-лайди, унг қули билан эса, сонларнинг олд юзалигидан итариб ёрдамлашади. Силта^б утишда уқитувчи иккала қ^ли билан сон-лардан ушлаб кумаклашади.

**Пастки ёғочга чалқанча ётиб осилиш қолатидан унгга бурилиб, бир сонда утириб қолиш.** Пастки ёғочга чалқанча, ётиб осилиш ^^олатидаң унг қулни чап қул устидан ошириб тескари ушлаш лозим. Унг томонга бурила бориб ва унг қул билан айланма )^а-

ракат қилиб ёғочга босилади, оёқларни кериб, унг сонга утирила-ди. Чап қулни ён томонга тушириб бориб, чап оёқ орқага узоқроқ-қа узатилади, унг оёқ эса тиззадан букилади. Утиришни тугатаё-тиб, керилиш: лозим.

**Унг сонга утириш )^олатидан керилиб сакраб тушиш.** Унг қул билан пастки ёғочдан унг тиззз' олдидан алмаштириб ушланади. Гавда оғирлигини унг қулга утказа бориб, сон билан пастки ёғоч-дан итариб юборилади, айни вақтда чап қулни юқорига-ташқари-га силташ керак. Туғри тутилган унг қулга таяниб оёқлар бир-лаштирилиб керилиш лозим. Бундай сакраб тушишни унг томон-дан орқага бурилиб ва шунингдек чап томондан орқага бурилиб бажариш мумкин. Биринчи машқда чап қул 'билан пасткн ёғочдан унг тизза олдидан тескари ушлаш! керак. Гавда оғирлигини шу қулга утказиб, сон билан итариб юборилади ва унг қулни туши-риб, унг томондан орқага бурилиб, сунгра оёқларни бирлаштириб керилиш лозим булади. Иккинчи машқ^а чап қул билан пастки ёғочдан чап сон олдидан пастдан ушлаш керак. Тана оғирли-гини чап қулга утказа бориб ва сон билан итариб юбориб, чап то-мондан орқага бурилиш ва ожиста қуниш лозим.

Пастки ёғочга ётиб осилиш ?^олатидан унг оёқни айлантириб утиб 270°га бурилиб, бир сонда утириб қолиш. Ётиб осилиш }^ола-тидан унг оёқни олдинга кутариб ва чап томонга бурила бориб, унг қулни юқоридан, чап қулнинг орқасидан алмаштириб ушлана-ди. Бурилишни яна 180° га давом эттирилади ва гавданинг бир 03 керишган ^^олатда ушлаганча чап қул билан итариб юбориб, унг оёқ ёғоч устидан силтаб утилади. Чап қулни ён томонга туши-риб, чап оёқ орқага узоқроққа узатилади ва унг оёқни букканча, унг сонга утприлади ва керишилади.

*^ргатиш:*

а) пастки ёғочга ётиб осилиш 5^олатидан унг сонга утириш;

б) пастки ёғочга унг оёқни қуйиб, оёқларни кериб ётиб чап қулни юқориги ёғочдан пастдан ушлаб осилиш холатидан чап оёқни силтаб утиб, чап томонга бурилиб сонда утириб қолиш;

в) пастки ёғочга ётиб осилиш холатидан 270° га (оёқларни жуфтлаштириб) чапга бурилиб, унг сонда утириб қолиш;

г) пастки ёғочгэ' ётиб осилиш^ холатидан унг оёқни айлантириб утиб 270° га бурилиб, бир сонда утириб қолиш.

С т р а х о в к а қ и л и ш ва ё р д а м к у р с а т и ш. Уқитувчи чап томонда туриб, унг қул билан белдан ушлаб туради, чап қу-ли билан шуғулланувчининг оёғини «утказади». Бурилиш давоми-да уқитувчи орқага-унгга силжиб, чап қули билан белДан, унг қули билан эса унг оёқдан ушлайди.

Юқориги ёғочдан ушлаб утириб осилиш )^олатидан **юқориги** ёғочга осилиш ва олдинга силтаниб сакраб тушиш.

Юзни юқориги ёғочга қаратган ?^олда, юқориги ёғочдан уш-лаб пастки ёғочга утириб осилиш холатидан туғри қуллар билан юқориги ёғочни узидан юқорига итарганча пастга-орқага пастки ёғоч остига шитоб билан йуналтирилади. Осилиш )^олатига утишда олдинга силтанишдан аввал оёқларни олдинга йуналтириб, тос-

сон буғинидан тез букилиш зарур. Вертикал :?^олатда тос-сон *бу'*-ғинидан кескин, қайишқоңлик билан туғриланиш керак. Вертикал )^олатни утгандан кейин тос-сон буғинидан кетма-кет букилиб ва ёзилиб, силташ ^аракати билан оёҚларни олдинга-юқорига йуналтириш ва қуллар билан ёғочдан тез итариб юбориб, керилиш за-РУР-

*Ургатиш:*

а) юқориги ёғочда керилиб осилиш :қолатидан олдинга силтаниб сакраб туш'иш;

б) букилиб-ёзилиб тебраниш — олдинга силтаниб сакраб тушиш;

в) осилиш ^^олатнда тебраниш —олдинга силтаниб сакраб тушиш;

г) пастки ёғочда утириб юқориги ёғочдан ушлаб осилиш }^олатидан юқориги ёғочда осилиш ва олдинга силтаниб сакраб тушиш.

С т р а х о в к а қ и л и ш ' ва ё р д а м к у р с а т и ш . Уңитувчи чап томонда юқориги ёғоч остида туриб, чап қули билан шуғулланувчининг чап ңулидан, унг қули бнлан белидан ушлаб туради ва кумаклашади.

**Пастки ёғочда чуңқайиб осилиш >^олатидан юқориги ёғочга кутарилиб таяниш** (98-расм). Чуққайиб осилиш қолатидан оёқларни дадил туғрилаб, елка буғинларидан тулиғича чузилган қолатни сақлаган-ча гавда билан пастга-орқага чузилиш керак. Оёқлар туғриланиши билан рқориги ёғочга туғри қуллар билан олдинга-пастга кескин босганча оёқ-лар билан депсиниб таяниш ^олатига чиқилади. Барча қаракатларнинг туғ-ри ва изчил ижро этилиши тепадан таяниш қолатига чиқишни тагмин-лайди. *Ургатиш:*



98- расм.

а) гимнастика деворида чуққа-йиб осилишдан тик туриб букилиб осилиш;

б) гимнастика деворида тик турганча букилиб осилиш; қолатидан ёрдам билан туғри қулларда гавдани деворга тортнш (ярим букиш);

в) паотки ёғочга ёрдам билан сакраб таяниш;

г) пастки ёғочда чуққайиб осилиш қолатидан юқориги ёғочга кутарилиб таяниш.

С т р а х о в к а қилиш' ва ё р д а м „ к у р с а т и ш . Уқитувчи юқориги ёғоч остида шуғулланувчидан унг томондз' туриб, чап қули билан тос остидан, унг қули билан сон олдидан ушлаб ку-маклашади.

**Пастки ёғочга тунтарилиб чиқиб таяниш.** Тик туриб букилган қулларда осилиш қолатидан бир оёқ орқага узатилади. Қейин шу оёқ билан силтаниб, иккинчиси билан депсиниб, қулларни ёймас-дан оёқларни ёғоч устидан юқорига-орқага дадил йуналтириб, сонларнинг устки юзасини ёғоч устига қуйилади. Оёқларнинг олд

к)засидаги мускулларни таранглаштириб, қулларни туғрилаганча тос-сон буғинидан ва бел ңисмидан дадил **туғриланиб (оёқларни** туширмасдан) таяниш )^олатига чиқилади ва бошни **кутариб кери-**шилади. *Ургатиш:*

а) паст ёғочда ёки паст турникда таяниш қолатидан гавдани олдинга энгаштириш, Кейин туғриланиб, қулларни туғрилаб таяниш }^олатига қайтиш;

б) бир оёњ билан силтаниб ва иккинчиси билан депсиниб, оёқлар билан юңориги ёғочга таяниб, пастки ёғочда керилиб осилнш ва кейинчалик бир оёқ билан силтаниб ва иккинчиси билан депсиниб тунтарилиб чиқиб таяниш (ёрдам билан);

в) бир оёқ билан силтаниб ва иккинчиси билан депсиниб тунтарилиб чиқиш.

С т р а х о в к а қ и л и и ! ва ё р д а м к у р с а т и ш . Уқитувчи чап томонда — олдинроқда туриб, чап қули билан _оёқлардан, унг қули билан белдан ушлаб ёрдамлашади ва таяниш :?^олатига чиқаётганда чап қули билан елка остидан, унг қули билан эса **паст-**дан оёқлардан ушлаб ёрдамлашади.

**Пастки ёғочда чуққайиб осилиш қолатидан, юқориги ёғочга кутарилиб таяниш** (99-расм). Унг оёқда чуққайиб осилиш долатидан қулларни букиб, чап оёқни орқага узатилади. Унг оёқ билан силтаниб ва чап оқ билан депсиниб қулларни букишии давом эттирилади, оёқларни шитоб билан юқориги ёғоч устидан юқорига-орқага йуналтириб бирлаштирилади. Тос-сон буғинидан букила бориб, оёқлар ёғоч устига сонларнинг юқори қисми 'билан қуйилади. Қолган барча }^аракатлар пастки ёғочда тунтарилиб чиқишдагидек бажарилади. **Юқориги** ёғочга **таяниш )^олатидан олдинга туш"иб пастки ёғочга ётиб осилиш.** Юқориги ёғочда таяниш қолатидан бошни олдинга энгаштириб, куллар букилади. сунгра гавданн олдинга энгаштирилади. Тос-сон буғинидаң буки-ла бориб, олдинга тушишни давом эттириб, сонларнинг орқа мускулларини; таранглаштирилган қолда оёқларни тиззаларгача ёғочдан сирпантириб тушириш ва керишиш керак.



99- расм.

Кейии қулларни туғрилаб, гавдани қам туғрилаб, оёқларни тушириб пастки ёғочга ётиб осилиш қолатига келиш ва керилиш керак.

**Юқориги ёғочга таяниш ^^олатидан гавдани орқага ташлаб, оёқларни кериб силтаб утиб пастки ёғочга ётиб осилиш.** Юқорнги ёғочга таяниш қолатидан қулларни туғри тутиб, тосни ёғочга яқин тутганча елкалар 'билан дадил орқага туша бошлаш! керак. Ке« йин тос-сон буғинидан букилиб, оёқларни кериб пастки ёғоч усти-дан ошириб утилади, туғриланиб оёқлар жуфтлаштирилганча

*Т^1Тэ^::::,~^* ^™^ ^^'^^^- ^олат,,да .ерили^ бош ор-
*г^:^''^^::::*^^^^^^^^^ **тухиб оёкларни кери^**
**рилиб сакраб ?ушиш Унг** 4қни о **'Г утиб 90 ва 270°га бу-**
таяниш ^олатида унг қул пасТдан "^^™'^' ''^™^ о^Қ^арңи кериб оёқпи дадилроқ ^'рак^т^лантирй оё™Ти?я?.яГ""'^"- "^^" таниб, чап қул биланитариб юбориш в\ '^лГОРИП Гг,, ""^ """■' "'^-утказганча чап оёқни ёғоч устидан е,,,,Y/^ оғирлигини унг қулга лиш- керак. Оёқларни бирлаштириб^ '^ ^'™^' У"" ™5°"'^" ^ури-га-ташқарига. узатиб асбоГа |нг ^^Р«™"^ ^^ ^ап қулни юқори,
шиш л'оз;м. ш'у сакраб туш1'2701°,"ГбГа^б'иж1"'Р" '^'
чап қул ,билан итариб юборгандан ^сейин ш^ ^^л^.Т^ этилганда нинг унг томонидан тескари ушлаб *^1 /'* "^^ '^^''^ ^"/^" У"'^ ^У^'^ юбориб, яна унг томшга 180° га бу.™^ "' У"' ^^^ ^"^^^" ""^Р«б нисбатан чап томон Глан са^аГт^Р^Х/ ^У"^^ ^«^Р^Д^^-
**орқГс^-^тГа^даХГлиYГрк^**
т~?и?Г1-^^^^^^^^^ ^^"-.."ирХ ^о^Т-
ди. Олдиига энгашибУг қл^^билан"" У^^^ °"^.^^Р ^'^Р"^^" дан, пастки ёғочдан тескарн ушланаГ^""" °"*"«" 'Р'""- настки ёғоч усти5ан *с^^г^п^утш^^^^^^*.^^^^^^^ дан итариб қуйиб юборила.ди Чап тс^,! ^^^ юқориги еғоч-ларни ?ирлҒштириб *.ТТ.п* ■.7-^",^^^^^??^^^^?^^^"'^°^" лиш керак. Брусларга унг ^монлама сакраб тушилади '
**ԿԱՈ••ՈԳՈԳ·1-ՏԱՐՏՈԳՈՏՎԳԱԳ Г''''-' Л'''-Л ЛЛЛ-Л**
динга сил^б бурчак хосил ҚилибYт^^^^^^^ оекларни ол-
бклан настки ёғ^очданТн остида/т^РкаоГ^шяяияГ'!' "" '^^^ • дан орқага бурила бооиб чап кул « ^ ушланади. Уиг томон-
ёРоч /стидан ™аб7и1ди ЧаТ^/™;",,,\^?,«,,^ х'оТя""""""^ билан юқориги ёғочни итариб юбойи^ ^..Г ^- ^^ У"' '^У" керилиш керак булади Шундан с^н? ^ ^^^^''^^ туғриланиш ва мон билан ярим ч4қайиб ото^сй ^РУ^^^Р^^ нисбатан -чап то-тушиш орқага буриУиТГжро этилган^^Р"'^.- "У"^™ •^°^™- ,,^акраб

***v:m:x ~г:: 1^7::'m^:^.m:^-***

'Уқитувчи чап томонда туриб чап кул 7;,,я«,, ^^^ »

дадан (белидан) ушлаб кумаклашади, "

**11.2.6. Яккачупда бажарила/^^ган машңлар**

фун^кпияг1^"Л. 6^'^зРи^адиган маш^^лар кишининг мувозанат *ш^:::::::* самаралироқ ва >^ар том^нлама тагсир курсатадиган м>возанат сақлаш машқ турларидан биридир. Улар^^мазмун ва 144

кл жи?5атидан турли-туман булиб, ижросинянг мураккаблиги "а^ қийинлиги жиқатидан )^ам *\ар* хилдир. Бу эса уларни фақат гимнастикачиларни тайёрлашдагина эмас, балки мактабларда асо--нй гимнастика дарсларида, урта ва олий уңув юртларида }^амда ёшлар жисмоний тарбияси системасининг купгина 'бош!қа звеЯола-рида >^ам қуллаш имконини яратади.

Яккачупда утиладиган машғулотлар шуғулланувчиларнинг жисмоний ривожланишига ва )^аракат қобилиятларини такомиллаштиришга ижобий татзсир курсатади, қоматнңнг шаклланишига . кумаклашади, фазода мулжал олиш ^^иссини яхшилайди, қатгий-лик ва дадилликни тарбиялайди.

Кинематик шаклига қараб яккачупда бажариладиган барча элементларни туртта катта группага ажратиш мумкин; мувозаиат сақлашлар ва турли хил тик туришлар, бир ва икки бёқда (ёки қулларда) бурилишлар, қар хил усуллар билан юришлар ва акробатика машқлари.

Яккачупда ижро этиладиган асрсий машқлар.

Сакраб чиқишлар. Яккач^пнинг ^^ар қандай қисмига турган жойдан, туғридан ёки қиялаб югуриб келиб, бир ёки икки оёқ би-лан куприкдан депсиниб, қуллар билан таяниб ёки таянмасдан сакраб чиқиш мумкин.

Сакраб таянишлар. Турган жойдан ёки қи^лаб югуриб келиб оёқлар билан депсиниб таяниш — унг томондан яккачупга таяниб, чапга бурилганча чап тиззага'таяниш (яримшпагат, чап оёқда чуққайиб таяниш) туғриланишда қулларни ён томонга узатиб, унг оёқни олдинга тутганча шу оёқда тик туриш (ёки унг оёқни ор-қага силтаб чуққайиб утириш ва тик туриш).

Шу машқнинг узини унг оёқни силтаб утиб ва чап томонга бурилиб оёқларни кериб таяниш-алмаштириб орқадан ушлаш ва бурчак қосил қилиб утириш — унг оёқни букиб, шу оёқда тик ту-риш, чап оёқни орқага оёқ учига узатганча чап қул юқорига, унг қул ён томонга узатилади (ёки оёқларни кериб орқага силтаб ётиб таяниш-оёқлар билан депсиниб чуққайиб утириш).    ,

С т р а х о в к а  қ и л и ш. Сакраб чиқишларни ижро этганда яккачупнинг қарама-қарши томонидан туриб, таяниш з^олатида иккала елкалардан ушлаб ва тураётганда ён томонда—>орқадан ушл_аб ёрдамлашиш' зарур.

Сакраб чйқиб чуққайиб таяниш (100-расм). Икки-уч ңадам югуриб келиб, қз^ллар яккачупга қуйилади. Оёқлар билан депси-ниб ва елкаларни олдинга йуналтирганча белни кутариб, оёқлар-ни букиб кукракка яқинлаштирилади. Яккачупга сакраб чиқиб, елкани орқага ташламасдан, қуллар билан ушлаб туриш зарур.

*Ургатиш:* а) полда: ётиб таяниш' )^олатидан чуққайиб таяниш; шунинг узи лекин қулларни гимнастика скамейкасига қуйиб унинг устига сакраб чиқиш;

б) куприкчадан депсиниб, дастали КОНБ устига сакраб чиқиб ч^ққайиб таяниш';

в) уқитувчи ёрдамида яккачуп устига чуққайиб таяниш қола-т-ңга сакраб чиқиш.



100- расм.



101- расм-

С т р а х о в к а ҷ и л и ш . Куприкча ёнида туриб бир қул билан елкадан, иккинчи қул билан сондан ушлаб кумаклашилади.

**Унг оёқни олдинда тутиб оёқларни кериб таяниш холатига сакраб чиқиш.** Турган жойдан ёки югуриб келиб депсингандан кейин белни кутариб, унг оёқни букканча уни тез олдинга туғрилаш керак. Кейин уни пастга тушириб керилиш лозим.

Ургатиш: а) дастали коныа сакраб чиқиб, унг оёқни букиб силтаб утиш:

б) яккачупда чап оёқни орқага узатганча унг оёқда чуққайиб таяниш қолатнга сакраб чиқиш;

в) гимнастика таёғи устидан унг оёқни букиб утказиш;

г) пастки ёғочдан унг оёқни букиб силтаб утказиш;

д) яккачупга сакраганча унг оёқни силтаб утиб оёқларни кериб таяниш;

е) шунинг узи, лекин унг оёқни букиб силтаб утказиш.

С т р а х о в к а қ и л и ш : Унг қул билан елкадан ва чап қ^?л билан сон остидан ушлаб, унг томонда туриш керак.

**Сакраб чиқнб бир сонда утириш** — югуриб келиб иккала оёқ билан куприкчага сакраб, қуллар яккачупга қуйилади (бармоқлар бир-бирига яқин) ва кучли депсиниб, елкаларнн олдинга йуналтириб ва яккачупга яқин (унг) оёқни букиб, букилиш керак. Сонга утириб қомат ростланади, қуллар ён томонга узатилади.

**Бир ва иккала тиззага таяниш қолатига сакраб чиқиш** туғри-дан югуриб келиб,' икки оёқ билан депсиниб бажарилади.

Сакраб чуққайиб таяниш (101-ра'СМ) }^ам туғридан югуриб келиб бажарилади.

*Ургатиш:* а) қиялаб югуриб келиб иккала оёқ билан депсиниб дастасиз «онБга сон билан утириш (Ва бир тиззага таяниш ;^олатига сакраб чиқиш;

б) шунинг узини яккачупда бажариш;

в) дастасиз конвда чуққайиб утириш қолатига сакраб чиқиш;;

г) шунинг узини яккачупда бажариш.

С т р а х о в к а қ и л н ш : : Куприкча томондан туриб, ^бир қул билан елкадан, иккинчи қул билан букилган оёқ сонидан ушлаб* ёрдам курсатилади.

**Сакраб оёқларни кериб миниб утириш** — иккала оёқ билан депсиниб елкалар ва кукракни олдинга йуналтириб керилиш лозим. Кейин унг оёқни ён томондан силтаб утиб, оёқларни кериб утириш қолати қабул қилинади.

*Ургатиш:* а) қулларда яккачупга таяниб (узунасига) оёқлар билан орқага силтаниб керишиб сакраш;

б) шунинг узини оёқларни кериб бажариш;

в) паст брусларда таяниш }^олатидан орқага силтанганда оёқ-^;арнй кериб тебраниш;

г) шунинг узи лекин қуллар орқасида оёқларни кериб утириш;

д) ёрдам билан яккачупга сакраб чиқиб, оёқларни кериб ути-риш. . „ ■

С т р а х о в к а қ и л и ш: Бир томондаги қулнинг елкасидан ва яккачупдан узоқда жойлашган оёқнинг сонидан (олд томондан) ушлаб ёрдамлашиш лозим.

Асосий гимнастика машғулотларида ва энди бошловчилар би-лан иш бошлаганда бир ва икки оёқ учида тик туриш, бир ва иккала тиззада тик туриш ва таянишлар (102-а расм), яримшпа-гат, вертикал ва қия қолат-ларда куракларда тик ту-риш, бир оёқда тик туриб қулнинг турли қолатлари билан мувозанат сақлаш-лар, шунинг узини тизза-дан (102-расм, а, б) ва оёқ учидан ушлаб ижро этиш каби энг оддий машқлар қулланилади.



*а* 102-расм.

Яккачупда бажарилади-ган жар қандай машқнинг зарурий қисми бурилишдир. Улар бир ва икки оёқда тик туриб, оёқларни букиб ва туғри тутиб, шунингдек аралаш ва оддий тая-нишларда бажарилади.

**Икки оёқда орқага бурилиш.** Ростланиб оёқ учларига тик ту-рилади, оёқ ва гавда мускулларини таранглаштириб бурилгандан кейин, оёқ кафти тула- босилади. Бош ва гавда вертикал }!;олатда туриши керак.

**Чуққайиб утирган )^олатдан орқага бурилиш.** Бажариш техни-каси юқорида баён этилганга ухшашдир.

**Ғтириб ва тик туриб, икки оёқда орқага бурилиш.**

Бурилишнинг биринчи ярмида утириш ва иккинчи ярмида ту-риш керак. Дастлабки икки бурилиш узлаштирилгандан кейин урганиш лозим.

Оёқларни чалиштириб тик туриш ?^олатидан 180, 270 ва 360°га бурилиш.

**Бир оёқда орқага бурилиш** бир томонлама ва қарама-қарши томонга бажарилиши мумкин.

**Бир томонлама бурилиш** — таянган оёқ томонига бажарилади. Унг оёқни орқага узатиб, чап оёқда тик туриш )^олатидан унг оёқ-ни олдинга ва бир оз чапга силтаб, оёқ учларини ичкарига ва «лкани чапга «буриш керак. Силташ 'билан бир вақтда чап оёқ учига туриш ва ростланиб, шу оёқни товон билан ичкарига буриш керак. Бурилишни тугатаётиб, бутун оёқ кафтига турилади ва унг

оёңни орқада силтаниш баландлигида сақлаб қолинади. Бурилиш-да қуллар юқорига кутарилади.

*Ургатиш:* а) қул билан гимнастика деворидан ушлаган з^олат-дан бир оёқни орқага (олдинга) узатиб, бошқа оёқ учида (верти-кал) мувозанат сақлаш; б) шунинг узини таянмасдан 5—10 сек. давомида бажариш; в) рейкадан чап қул билан ушлаб, деворга чап томонлама тик турган }^олатдан унт оёқ бнлан олдинга силтаниб унг оёқ учини пастдан 3—4 рейкага қуйиб, деворга юз томон чап оёқ учида тик туриш. • Холатнинг вертикаллигини текшириш: г) уша маш!қнинг узи, лекин қулларни алмаштириб ушлаб, чап то-мондан орқага бурилиш; д) шунинг узи, лекин оёқни рейкага қуй-масдан бажариш; е) қул билан таянмасдан полда орқага бурилиш; ж) шунинг узини паст ва кейин одатдаги яккачупда бажариш.

Қарама-қарши томонга бурилиш таяниб турилган оёққа қара-ма-қарши томонга бажарилади. Унг оёқни олдинга узатганча, чап оёқда тик туриб, унг оёқни орқага силтаб бурилиш. Ургатиш олдин-даги машққа ухшаш булади. Оёқларни кериб тик туриш }^олати-дан 180 ва 360° га бурилиб, оёқларни кериб тик туриш.

Аралаш таяниш >^олатларидан бурилишлар — яккач}^пда ?^олат-ларни узгартириш ва тананинг пастроқ }^олатларидан оёқларда тик туриш қолатларига ^тиши учун ёрдамчи элементлар *б^лпб* хизмат қилади.

*^ргатиш:* а) таяниш ва орқага таяниш }^олатларидан бир то-монлама силтаб утиб бурилганча оёқларни 'кериб ёки сонга ути« риш;

б) оёқларни кериб утириш қолатидан орқага силтаниб орнага бурилиб оёқларни чалиштириш;

в) орқага таяниш :!^олатидан 270° га бурилиб бир оёққа ч5;ққа-йиб таяниш (103-расм).



103- расм.



104- расм.

Юриш. Юриш турларига: оддий қадамлаб, оёқ учидан ва оёқ, учида; жуфтлама ва алмаш қадамлар билан (олдинга, орқага, ён томонга); навбатма-навбат оёқни олдинга букиб, шу вақтнинг *узя*-да бошни энгаштириб юришлар; шунинг узини оёқни олдинга ба-ланд кутариб ижро этиш кабилар киради.

Югуриш ва унинг турлари.

Рақс қадамлари. Уларга полвка, валһс тарзида қадамлаш, рус қадами ва бошқалар киради.

Сакрашлар. Сакрашлар турган жойда ва олдинга силжиб ба-

жарилади. Улар якка ёки навбатма-навбвт қушиб бажарилиши ыумкин. Учиш фазасида бурилиб ижро этиладиган сакрашлар мураккаб сакрашлар х;исобланади. Сакраганда қуллар з^ар хил )(;олатларда булиши ёки *^ар* хил >^аракатлар қилиши мумкин.

**Сакраб-сакраб қадамлаш** бир оёқни орқада (олдинда) тутиб, нккйнчи таянч оёқда бажарилади.

**Қадамлаб сакраш.** Чап оёқ билан қадам қуйгандан кейин унг оёқ билан олдинга силтаниб, шу оёққа сакраб тушиш. Бир оз чуқ-қайиб, оёқ учидан товонга қуйиб тушиш лозим.

**Икки оёқ билан депсиниб оёқларни алмаштириб сакраш.** 0?қ учларида тик турган ^^олатдан бир оз чуққайиб, оёқларни тутрилаганча ва оёқ учларини олдинга чузган :қолда юқорига сакралади. Сакралганда оёқ }^олатлари алмаштирилади ва уларни таранглаштириб ерга бир оз букилиб оёқларга тушилади.

*Ургатиш:* а) полда ва яккачупда яримчуққайиб (бир оёқ олдин-га узатилган) 5—10 сек. давомида мувозанат сақлаб туриш",

б) полда ва яккачупда икки оёқда депсиниб, оёқлар урнини алмаштирмасдан сакраш;

в) шунинг узини яккачупда оёқлар урнини алмаштириб сакраш. **Икки оёқда депсиниб бир оёққа сакраш.** Бу сакраш олдинги сакрашга ухшаш булиб, бироқ булар олдинга силжиб, бир оёққа тушган ?^олда бажарилади.

**Бир оёқда сакраш,** иккинчиси олдинга букилади.

**Қадаилаб сакраганча мувозанат сақлаш.**

**Сонда утирған ?^олатдан сакраб тушиш.** Олдинда ва орқада таяниб, бурилиб ва бурилмасдан ижро этилади.'

**Керишиб сакраб тушиш.** Узунасига ва кундалангига турган )^олатлардан тез-тез ^қадамлардан кейин (оёқни олдинга силтаб **паст** ва одатдаги яккачупда); тиззада таяниш }^олатидан (эркин оёқни орқага силтаб иккинчиси билан яккачупдан депсинганча иккала оёқ бирлаштирилади, бош ва сакраб тушиш томондаги қулни кута-риб, керишиб тушиш); бир оёқда чуққайиб утирган з^олатдан **ба**жарилади.

**Бурчак }^осил қилиб утириш }^олатидан сакраб тушиш.** Унг оёқ-ни букиб яккачу^пга қуйиш билан бир вақтда, қуллар билан орқага таяниш (панжаларни орқага қилиб) )^олатидан депсиниб ва оёқ-ларни бирлаштирганча орқага бурнлиб сакраб тушиш (104-расм).

## 12- б о б

## ЭРКИН МАШҚЛЛР

### 12.1. ЭРКИН МАШҚЛАРНИНГ ТА1>РИФИ ВА МАЗМУИИ

Эркин машқлар — бу гавда ва унинг қисмлари билан бажариладиган турли-туман >^арақатлар комбинаңиясидир. Спорт гимнастикасидаги куп курашнинг бир тури сифатида эркин машқлар махсус гиламда ижро этилади }^амда акробатика элементлари ва бирикмалари, сакрашлар, мувозанат сақлашлар, бурилишлар, оёқ-лар билан силтаниб тушиб утишлар, хореографик шаклдаги }^аракатларни уз ичига олади.

Асосий гимнастикада эркин машқлар комбинаңиялари шу тур. ; дардаги оддий^қаракатлардан, гимнастика услубининг талабларига ' •биноан бажариладиган, техник жиқатдан мураккаб булмаган од. дий қаракатлардан тузилади.

Гимнастикачиларни дастлабки тайёрлаш босқичида эркин машқ-лар спорт ёки укув характерида булиши мумкин. Спорт харак-теридаги машқлар кичик разрядли гимнастикачилар учун белги-ланган қатт>ий классификаңион программалардан иборат. Бошлов-'Чи гимнастикачилар гигиеник гимнастикага ёки ишлаб чиқариш гимнастикасига хос булган машқлардан ташкил топган ва махсус ишлаб чиқилган комбинадияларни ижро этишда қам мусобақала-шишлари мумкин. Муайян комбинаңиялар якка ёки группа булиб бажарилиши мумкин. Группавий эркин машқларда ижро сифати, харакат аниқлнги, уйғунлигигина бақоланмасдан, балки барча қатнашчиларнинг мослашиб }<;аракат қилиши қам бақоланади. «Умид стартлари» спартакнадасида умумтат,лим мактаблари бутун классларининг уз композиңиялари билан чиқишлари группавий машқларга мисол булиши мумкин.

Эркин машқлар укув комбинаңиялари-—бу машғулотларда г^аракат уйғунлигинн ривожлантириш, навбатдаги мураккаброқ машқларни узлаштириш учун қаракат базасини яратиш, шуғулла-нувчиларни ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун қулла-ниладиган турли мураккабликдаги кичик комбинадиялардир.

Қар бир машғулотда уқитувчи укувчиларга оддий қаракатлар комплексини янгича тз^зилишда тақдим.этиши мумкин. Шуғулла-нувчилар одатда 8,16 ёки, 32 қисобдан ташкил топган укув комби-надиясини тез эслаб қолишлари ва уни бутунлигича қамда техник хатоларсиз бажаришлари керак. Бир қатор шундай машғулотлар ёрдамида гимнастикачилар жуда куп қаракатларни узлаштириб-гина қолмасдан, балки уларни бириктириш усулларини қам узлаш-тирадилар. * . -

Спорт йуналишига эга булган машғулотларда укув комбина-диялари турли структурадаги группалар элементларидан тузилиши керак. Бу бу^лажак эркин программалар учун «жамғарма — блок-лар» булади.

Қаракат «мактаби»ни узлаштиришда тезкорлик, чидамлилик, буғннлар х^аракатчанлигини, чаққонликни тарбиялашда эркин машқларнинг ақамияти каттадир. Гимнастикачилар машқларни снарядларда бажариш шароитидан кура оддийроқ ва табиийроқ шароитларда қаракатларнинг йуналиши ва кулами, сур-вати, уйғун-лиги зур бериш даражаси, гавда ва унинг қисмлари }^олатлари-нинг аниқлиги, қаракат софлиги, қайишқоқлиги ва ифодалилиги каби тушунчалар туғрисида тасаввур *\отл.* қиладилар.

Эркин машқлар турли буюмлар; туплар, таёқчалар, арғамчи, Єнгил гантеллар ва қоказолар билан бажарилади. Буюм билан қа-ракат қила билиш қаракат уйғунлигини :қам ривожлантиради. Спорт ва укув комбинадияларининг музика журлигида ижро эти-лиши эстетик тарбиянинг ажойиб воситасидир.

Эркин^машқларнинг мазмуни гимнастика машқларининг бошқа

*лт* _______________^------------------------------------------------------------ —

тптарига нисбатан жуда турли-тумандир. Бу фақат оддий ва му-"^яккаб қаракатларнинг жуда куп булишига боғлиқ булмасдан, йалки уларни амалда бир-бирига қушиб ижро этиш имкониятининг ексизлигига боғлиқдир. Мисол учун, қуллар билан энг оддий қа-пакатлар бажариш усулининг жуда куп хиллари мавжуд. Масалан,.' к-^л қисмларининг қаракатда қатнашиш даражасига қараб: панжа-лар билан, билаклар билан, бутун қул билан; қаракат шаклига қараб: кутариш, тушириш, айланма қаракатлар, букиш, ёзиш, бу-ришлар, қарсак чалиш, тулқинлар, ушлашлар, чалиштиришлар й;^налишига қараб: бир томонга қаратилган, турли томонларга қа-ратйлган қаракатлар, олдинга, орқага, ён томонга, оралиқ йуналиш-ларда, симметрик, асимметрик >^аракатлар; )^аракатланиш харак-терйга қараб: бараварига, турли вақтда (бирин-кетин, навбатма-навбат), бир текисда (бир хил сургатда), 5^ар хил тезликда (тез-лаштириб, секинлаштириб), тез, секин, охиста-майин, кескин, куч билан, бушаштириб қаракатлантиришлар.

Мазкур қаракатларни оёқ, бош, гавда }^аракатлари билан )^ар хил қилиб узгартириб.юбориш, шунингдек бу қаракатларни комби-надиялаштириш имконияти оз эмас. (В. М. Смолевский, В. Н. Ку-рысБ. ВолБНые упражнения мужчин, М. ФиС; 1976).

Эрталабки зарядканинг, физкулвтпаузанинг ёки ишлаб чиқа-риш гимнастикасининг умумривожлантирувчи машқлари — энга-шишлар, |бир оёқни букиб шахдам қадамлаш, утиришлар, өёқлар билан силтанишлар, сакрашлар ва з^оказолар — қаракатни қатгий услубда ижро этилишини талаб қилмаслиги билан фарқланадң. Уларнинг }^ар бири қисқа йуналишда та^сир курсатиш мақсадида бир неча марта такрорланади. Бундай якка .^аракатлар оддий зр-кин машқлар таркибига }^ам киритилади, бироқ буида уларнипг чиройли ижро этилиши ва эстетик томонлари қисобга олинади.

Эркин машқларнинг умумривожлантирувчи машқлар комплек-сидан фарқи шундаки, уларнинг барча }^аракатлари яхлит бир ком-бинадияга бирлаштирилиб, қушиб ижро этилади ва уларнкнг гим-настика услубига мос равишда бажариш сифатига қараб бақола-нади.

### 12.2. ЭРКИН МАШҚЛАРНИНГ КОМПОЗИЦИЯСИ

Композипия деганда, эркин машқларнинг барча элементлари ва қисмларининг муайян бир тарзда узаро бирикиши, навбатланиши, узаро боғлиқлиги, шунингдек уларни тузиш жараёни қам тушуни-лади. Укув комбинанияларини композипия қонуниятларини қисоб-га олиб тузиш бошловчи тренер учун яхши татзлим :;^исобланади. Қар бир укувчига ёки навбатдаги дарсга бутун группа учун ком-плекслар тузаётганда композициянинг турли хилларини тузиб куриш имконияти булади. Қаракатлар изчиллигининг муайян қо-нуниятларини ифодаловчи ва шунингдек шуғулланувчиларда улар-нинг турли-туман булиши туғрисида тасаввур }^осил қилдирувчи 5'қув комбинаниялари тузиш тавсия қилинадн. Мисол учун, оддий }^аракатларни навбатлаштириш мураккабликнннг ошиб бориш Қо-

"нунининг ифодаланишини курсатиш мумкин: д. ^.— чуққайиб таяниш. 1. Қуллар ён томонга, 2. Д. қ. 3. Тик туриб, қуллар ён то-монга. 4. Д. Х. 5 Тик туриб, қуллар юқорига. 6. Қуллар пастга. 7. Сакраб, қуллар юқорига. 8. А. т. (асосий туриш).

Қаракат кулами ва улар тезлигининг мунтазам ошиб бориши композидия шу қонуниятининг ифодасидир. Бир-бирига зид ;^аракатларнинг танланиши самарали булади. Шу қонуният :!^исобга олинса, ;^атто энг оддий қаракатлар ^^ам жозибалироқ кз^ринади. Масалан, д. ^. ■—а. т. (асосий туриш). 1—2. Қулларни ташқарига ёй шаклида аста кутариш. 3. Тез чуққайиб таяниш. 4. Чу^ққайиб таяниш }^олатида сакраб унг томоңга бурилиш, бош олдинга энгаш-тирилади. 5—6. Тез бир оёқни букиб олдинга шақдам қадам таш-даш ңулларни аста олдинга ва ён томонга узатиш. 7. Чапга бури-либ, оёңларни кериб тик туриш, қуллар ён томонга. 8. Сакраб чуқ-ңайиб таяниш.

Қонтрастлик қонунияти тез ва секин ^^аракатлар, юқорига, пасТ' га, унгга, чапга силжишлар ва >^оказоларнинг навбатланишига асосланган. Қуч ?^аракатларидан кескин бушашишга утиш ;^ам контрастлик ^^исобланади. Спорт эркин машқларининг композииия-си мажбурий программалар шаклида тузилади: муайян разряд талабларига биноан комбинадияга киритиш зарур булган *мураккаб* элементларнинг сони белгиланади. Кейин бу злементлар компози-дия қонуниятларига биноан оддийроң қаракатлар ёрдамида бирик-маларга қушилади.

Машңларнинг бошланиши, уртаси ва охири аниңлаиади, кейин алоқида қисмлари ягона комплексга бирлаштирилади. Тренер эркин, машқларни тузишда гимнастикачиларнинг мойиллигини, уларнинг кучли томонларини ва сифатларини з^исобга олиши ;$ам-да унувчиларни биргалашиб ижод қилишга иложи борича актив-роң жалб этиши керак. Қизлар ва аёлларнинг машқлари ута ңа-йишқоқлиги, серрақс :қаракатлилиги билан фарқ қилиши керак. Болалар учун эркин машқларни темага мувофиқ (пи-онерлар тема-си «қарбий» тема) тузиш тавсия қилинади.

Группавий эркин машңлар композиңияси узига хос хусувиятга эга булиб, бунга бир қатнашчи билан бошқа ңатнашчи ^^аракатини ңушиб тузишнинг янги имкониятлари талаб қилади; Группани колонна ва шеренгага оддий ңайта сафлашлар, орани очиш ва яқин-лаштиришлар, бурнлишлар, қул қаракатлари билан ң^^шиб ижро этишлар группа булиб ижро этиладиган оддий композииияларнинг мазмунини ташкил қилиши мумкин. Жуфтлаб уч кишидан қилиб тақсимлаш, зич саф, айлана буйлаб сафлашлар .?^аракатларни курсатиш якка машқ қилишга нисбатан батамом бошқа усулларни қулланиш имконини беради. Чунончи, фақат группа булиб ижро қилинадиган композидияларда «тулңин»ни — бунга ^аракат ңатнашчиларининг қаракатга қай изчиллик билан қушилаётганини курсатиш мумкин (масалан, зич сафда ёнда турувчининг қаракати-дан бир қисобга ёки куламнинг ма-һлум бир қисмига орқада ңолиб олдинга энгашишлар ёки утириб-туриш ва з^оказолар).

Қар хил жинсдаги гимнастикачилар қатнашадиган группавий

У^^ларда бир-биридан «эркаклар» ва «аёллар» ;^аракатлари бу-йича фарқ қиладиган }^ар хил тусдаги )^аракатларни бир вақтда бажариш тавсия қилинади. Бундай усулнинг вариантлари }^ар хил: эркаклар чуққайиб утиришдан тик туришади, аёллар утиришади; зркаклар чуққайиб утиришади, аёллар мувозанат сақлашади; эр-каклар бошда тик туришади, аёллар бир оёқни букиб кенг қадам-лаб, қулларни ён томонга узатишади ва қоказо. Группавий эркин: машқлар мактаб байрамлари, жисмоний тарбия куриклари ва спар-такиадаларида гимнастика чиқишларининг таркибий қисмларидан бири }^исобланади. Бу туғрида «Гимнастика чиқишлари» бобида. батафсил айтилган.

### 12.3. ЭРКИН МАШҚЛДРНИ !ГРГАТИШ

Гимнастикачиларни бошланғич тайёрлашда эркин машқларни ургатиш )^аракат «татзлимини» ва айрим мураккаброқ элементлар-ии, шунингдөк, уқув ва снорт комбинадияларни узлаштиришдан иборат.

Қаракат «таг.лими» гимнастика машғулотларининг бутун бош-ланғич босқичи давомида узлаштирилади ва у тана хамда тана атззоларининг асосий қолатларини (асосий тик туриш, оёқларни кериб тик туриш, тиззаларда туриш, аралаш таянишлар, утириш-лар, ша}^дам қадамлар, энгашиш ва }^оказолар) шунингдек асосий. }^амда оралиқ йуналишларда }^аракатланиш ва силжишларни пухта машқ қилишдан иборат. Асосий диққатни дастлабки ва охирги *х^о*-латларга; бош, панжалар, товонларнинг }^олатига; гимнастикада қабул қилинган услубга мос бажарилишига қаратиш керак. .

Одатда, }^аракат таглимини узлаштириш иши асосан машғулот-нинг тайёргарлик қисмида олиб борилади. Тренер чигил ёзиш. машқига эркин машқ элементларини киритиши ва бадан қизитиш характеридаги }^аракатларни бажаришда уларнинг аниқ ва бир ритмда бажарилишини кузатиб бориши керак, Машғулотларнинг асосий қисмида эркин машқларнинг анча мураккаб элементлари, купинча акробатика элементлари узлаштирилади («Акробатика. машқлари» бобига қаралсин). '1^ *m*

Оддий уқув комбинаңияларини машғулотнинг тлйёргарлик қис-мида узлаштириш мақсадга мувофиқдир. Даставвал комбинадияга. кирувчи ало}^ида }^аракатлар бадан қиздириш мақсадида куп мар-та такрорланади. Шундан кейин тренер шу }\аракатларда ташкил топган 4, 8, 16 }^исобдан иборат эркин машқ бирикмаларини тавсия қилади. Машғулотларнинг асосий. қисмида анча мураккаб элемент-лардан иборат уқув комбинаңиялари, шунингдек, классификаиион программанинг спорт эркин машқлари узлаштирилади. Бунда қаракатлар навбатини эслаб қолиш эмас, балки элементларнинг узини ва уларнинг бирикмаларини узлаштириш қийинчилик туғ-диради. Эркин машқларнинг }^амма қискларини урганиб олган-дан кейин комбинадия тузилади. Эркин машқларни яхлит машқ қилишда }^аракатлар техникаси ва ифодалилигини такомиллаш-

тириш мақсадида уларни қисмларга ажратиб ижро этиш билаң бирга қушиб бажарнш керак.

^аракатларни уюштирувчи, уларнинг тулиқлигини, уйғунлнгини ва^ яхлитлигини ифодаловчи музикага алоз^ида а^^амият берилади. Купроқ 2/4 ва 3/4 музика улчовлари қулланилади (аёллар учун-~ валБС, мазурка, полвка; эркаклар учун — гавот, валвс, марш).

. Машқларнн урганишда охирги қолатларда танаффус қнлиш мақсадга мувофиқдир, улар айни вақтда навбатдаги қаракатлар учун дастлабки :қолат буладИ. Танаффус вақтида гимнастикачилар гавда ва унинг агзоларинннг :қолатини аниқлаб олишлари керак.

Машқларни тулиғича ва зарур сур^атда бажариш билан уз-лаштириш даврн тугайди.

Машғулотда эркин машқларнн тулиғича такрорлаш сонини уқи-тувчи қуйилган вазифага кура белгилайди ва бунда муқим жисмо-ний сифатлардан бири — чида^млилнк тарбияланишини қайд қи-лади.

13-6 об

# САкРАШЛАР

### 13,1. САКРАШЛАРНИНГ ТА1>РИФИ ВА КЛАССИФИКАҢИЯСИ

Сакраш машқлари жисмоний тарбнянинг шуғулланувчиларга з^ар томонлама та-всир курсатувчи му^^им воситасидир. Улар ёрда-мида тезкорлик ■— куч сифати тарбияланади, тусиқлардан ошиб утиш амалнй тайёргарлиги шаклланадн, жасоратли, матонатли булиш ва чаққонликни тарбиялаш вазифаси қал қилинади. Югуриб келиб сакрашлар қон айланиш ва нафас органларининг функңио-нал қолатини оширади.

Сакраш қаракатлари қаракат аннаратининг жуда уйғунлашган булишини талаб этувчи мусқулларнинг тез ва қисқа вақт ичида қисқариши )^исобига ижро этилади. Қаракатларнинг турли-туман ва катта сур-ватда бажарилиши сакраш машқлари машғулотларига катта қизиқиш уйғотади.

Гимнастикада қулланиладиган машқлар икки группага булина-ди: таянмай (оддий) ва таяниб сакрашлар.

Биринчи группага турган жойда икки ва бир оёқда сакрашлар, баландликка, узунликка, баландликдан (кутарма майдончадаи ёки гимңастика снарядларидан) сакрашлар, узоқлнкка-баландликка сакрашлар, «дарчадан» сакрашлар, трамплиндан сакрашлар, ар-ғамчи ва бошқалардан сакрашлар кирадн.

Иккинчи группага снарядларга (козёл, конв, плинтга) қуллар билан таяниб сакрашлар киради. Уларга узунасига ёки энига қуйилган снаряднинг нариги, урта ва яқин қисмига денсиниб сна-ряд устидан ошнб бажариладиган сакрашлар кирадн. Бажариш усули буйича туғри сакрашлар, ёнламасига сакрашлар ва тунтари-либ сакрашларга булинади.

### 13.2. ТАЯНМАЙ САКРАШЛАР

Таянмай (оддий) сакрашлар турт босқичдан иборат: югуриб лиш, бир ёки икки оёқда депсиниш, учиш ва ерга тушишдан ибо- "^ят Оёқ билан депсиниш ердаи (полдан), ёғоч куприкча ва трамп-; Р „даң бажарилиши мумкин. Сакрашнинг му^^нм қисмлари югуриб келиш ва оёқ билан депсинишдан иборат.

' Югуриб келишда тезлик аста-секин ошириб борилади, шу ор-кали гавданинг горизонтал тезланиши тат.минланади ва депсиниш билан биргаликда сакраш учун шароит яратилади. Таянмай сак-рашларда югуриб келиш 7—9 югуриш қадамига тенгдир.

Д е п с и н и ш оёқ билан куприкча ёки полга тегиш вақтидан бошланади. Югуриб келиб узунликка ва баландликка сакраганда оёқ товондан бошлаб учига қуйилади ва депсинилади. Силтанувчи оёқ ва қуллар олдинга-юқорига шиддат билан узатилади. Турган жойдан баландликка ва узунликка сакрашда депсиниш иккала оёқда бажариладй.

У ч и ш қамма сакрашларда сакровчининг гавда қолати муваф-фақиятли ерга келиб тушиши учун сақлашни татзминлаши керак.

Ерга тушиш тушакка ёки ерга оёқлар билан тегнш пайтидак бошланади ва зарбни майинлаштириш қамда гавда қаракатининг тезлигини уз вақтида камайтириш билан якунланади.

босим пасаяди, юрак-қон томир системасининг фаолияти яхшиланади, ^/пканинг нафас олиш сиғими ошади, модда алмашинуви яхшиланади, марказий нерв системаси ва нерв-мускул аппарати-нинг фаолияти кучаяди. Гигиеник гимнастика кишининг психик холатига ижобий та-всир курсатади, унинг тетиклигини, уз кучига булган ишончини оширади ва ру}^лантиради. А. Н. Крестовников, В. Н. Машков, И. М. Саркизов-Серазини ва бошқа профессорлар-нинг маг.лумотларига қараганда гигиеник гимнастика машғулот-лари натижасида томир уруши 50—60% га тезлашади, -қоннинг максимал босими 5—20 мм. кутарилади, ютилаётган кислород миқдори 10—30% ошади. Қозирги замон физиологик нуқтаи наза-ридан олганда, гигиеник .гимнастика бутун организмни тетик-лантиради ва чарчоқни йуқотади.

Гигиеник гимнастикани якка }^олда ва шунингдек, группа булиб утказиш мумкин. Бу гимнастика билан фақат эрталаб эмас, *балкп* кундузи )^ам (овқа-тлангандан кейин 1,5—2 соат утгач) ёки кечңу-рун (ухлашдан 1,5—2 соат илгари) шуғулланиш мумкин. Болалар, усмирлар ва урта ёшдаги кишилар радио орқали эшиттириладиган умумривожлантирувчи машқяар комплексини бажаришлари мум-кин. Қар хил спорт турлари билан мунтазам шуғулланадиган ки-шилар учун бу комнлекслар нагрузка буйича камлик қилиши мумкии.

Қар ким 5^ам багзи бир қоидаларни билгани з^олда, уз шахсий хусусиятларини х^исобга олиб туриб, умумривожлантирувчи машқ-лар комилексини тузиб олса булади. Қомплексларни тузишда қуйидаги қоидаларга риоя қилиши лозим.

1. Машқлар шуғулланувчиларнинг ёши ва жисмоний тайёр-гарлигига мос булиши керак. Агар машқлар жуда мураккаб бул-са, кунгилдагидек бажарилмайди ва уларнинг самараси }^ам юқори булмайди.

Гигиеник гимнастика қуйидаги: хонани шамоллатиш, гигиеник қоидаларга ва кун тартибига риоя қилиш, бадан тарбия (сув про-дедураси) сингари }^аётий одатларни татбиқ қилишга ёрдамла-ша,ди.

Эрталабки гигиеник гимнастика жуда катта ахамиятга эга, у организмнинг пассив }^олатидан (уйқудан) одамнинг иш фаолияти учун зарур булган актив }^олатга утишига ёрдамлашади.

Уйқу пайтида бош мия қобиғининг нерв }^ужайралари дам ола-ди ва уларнинг иш қобилияти тикланади. Уйғонгандан кейин эса ^(^али учмаган уйқу татзсирида булган организм ишга тез киришиб кета олмайди, чунки асосий система ва органларнинг функдияси суст }^олатда булади. Эрталабки гимнастика одамнинг бутун орган' ва системаларининг ишга фаол киришишига ёрдамлашади. Фақат туғри бажариладиган машқлар (бунда белгиланган мегёрга, ку-ламга ва мускулларнииг зур бериш характерига риоя" қилиш) шуғулланувчилар организмига ижобий тагсир курсатади.

Катта ёшдаги кишилар нафас тухтаб турадиган, зур келади-ган, чузиладига^н, сакраш ва тез-тез эгилиб туришни талаб қила-Диган машқларни бажармасликлари лозим. Улар машқларнинг

тагсир қилиш даражаси ва ^ар бир машғулотда машқлар нагруз-каси ме-вёри туғрисида врачдан .систематик суратда масла^^ат, жисмоний тарбия мутахассисларидан эса машқларнинг характери, уларнинг хусусиятлари ва қулланиш методикаси туғрисида кон-сулБтаңия олишлари даркор.

2. Танлаб олинган машқлар шуғулланувчиларга қар томонла-ма та-всир курсатиши керак. Уларни тананинг турли қисмлари би-лан }^ар хил йуналишда, тезлиги ва мускул зур беришини узгарти-риб бажариш лозим.

3. Комплексга туғри қомат қолатини хис қилиш, шунингдек, з^ар хил нафас олиш турлари (кукрак, диафрагма ва аралаш нафас олиш)га оид махсус машқлар киритилиши зарур.

4. Комплексга шуғулланувчиларнинг тайёргарлиги ва уни ба-жариш вақтига қараб 8 тадан 15 тагдчз машқ киритилади. Эрта-лабки гигиеник гимнастика 8—10 та машқдан иборат булади; кун-дуз куни бажариладиган гигиеник гимнастика эса 10 — 15 та машқ-дан иборат булади. Гигиеник гимнастика билан шуғулланишни эндигина бошлаганлар учун машқлар миқдори оз булгани ма-вкул.

Танлаб олинган машқларни комплексга қушганда қуйидаги қоидаларга биноан жойлаштирган мат>қул:

а) комплексда биринчи ва охирги машқлар туғри қоматни қис қилишга қаратилган булиш мақсадга мувофиқдир (туғри қомат-ни асраш учун бунинг ақамияти муқим);

б) комплексдаги иккинчи муқим жи:?^ат шуки, бунда умумий тат>сир курсатадиган ва одамнинг барча орган ва системаларининг фаолиятини яхшилайдиган машқлар (ёки иккита машқ) булиши керак. Булар, одатда, бутун, тананинг катта группа мускулларини ишга соладиган оддий, суст сурт^атда бажариладиган машқлардир. Булар организмни булажак ишга тайёрлаш учун жуда зарурдир;

в) комплекснинг навбатдаги машқлари турли мускул группа-лари (қул, елка, буғин, бел, қорин пресси; оёқ) учун зарур булган серияли бажариладиган машқлардир. Бунда гавданинг турли қисмлари бирин-кетин ишга киришиши керак. Бу машқларнинг иккинчи ва учинчи сериялари жадалроқ бажарилади. Машқларни шу тарзда бажариб борилар экан, нагрузкани қам аста-секин оши-риб борилади, натижада турли мускул группалари ишга киришади, бу эса мускул кучи самарадорлигини оширади ва фаол дам олиш учун шароит яратади;

г) кейинги 2—3 машқ гавданинг барча қисмлари учун тан-ланади, улар мураккаб машқлар булиб жадал бажарилади. Одат-да, куч талаб қиладиган машқлар қайишқоқлик машқларидан олдин келиши керак, я-вни қайишқоқлик машқларини бажариш-дан олдин мускулларнинг чигилини ёзиб олиш зарур. Мускуллар-нинг фаол қаракатидан кейин мускулларни бушаштирадиган 1—2 та машқни бажариш мақсадга мувофиқдир;

д) комплекснинг охирида қуйидаги: нафас олишга оид 1—2 та махсус машқ* бажариладики, булар воситасида шуғулланувчилар қорин, кукрак ва аралаш нафас олишларни узлаштириб, туғри на-фас олишга урганадилар;

е) комплекснинг охирида бажариладиган. машқлар мувтадил суратли машқлар булиши керак! Пировардда комплекс туғри қо-мат холатини з^ис қилиш машқи билан тугалланади. Ундан кейин артиниш, ювиниш, душ қабул қилиш ва уз-узини массаж қулланилади.

Комплексдаги ^*ар* бир машқ 4—8 марта такрорланади; кучни ривожлантирувчи машқлар енгил чарчагунга қадар бажарилади, қайишқоқлик машқлари эса бир оз оғриқ хис қилгунга қадар бажарилади.

Машқлар комплекси 2—3 :қафтадан кейин алмаштирилади. Дисмоний нагрузка аста-секиң 2—3 ^^афтадан кейин ошириб борилади. Кундалик гигиеник гимнастика билан }^амма шуғулланиши зарур. Зарурий гигиеник тадбир у қар бир кишининг кун тарти-бига киритилиши ва қаётий зарурат булиб қолиши керак.

### 15.3. АТЛЕТИК ГИМНАСТИКА

Атлетик гимнастика мамлакатимизда успирин, усмир ва йигит-лар орасида йилдан-йилга кенг тарқалиб бормоқда. Атлетик гим-настика тури оммалашишининг боиси унинг бутун тана мускул-ларининг мутаносиб ривожланишига, туғри ва чиройли қомати-нинг шаклланишига, куч," қайишқоқлик, чаққонликни ривожлан-тиришга қаратилганлигидадир.

]Қар бир успирин, усмир ва йигит кучли, чаққон ва хушруй булишни истаиди. Бу истак табиийдир.,

Мамлакатимизда кишиларнинг соғлиғи, унинг жисмоний камолоти учун кураш купдан буён ижтимоий ишга айланган.

Спорт машғулотлари билан систематик суратда шуғулланган-дагина кучли ва чаққон булиш мумкин. Бироқ, )^амма :қам спорт секңия ва мактабларида шуғуллана'олмайди.

Атлетик гимнастика билан барча истаганлар шуғулланиши мумкин. Атлетик гимнастнка машғулотларида буюмсиз ва буюмлар билан бажариладиган умумривожлантирувчи машқлар (таёқча-лар, чуқморлар, гантеллар, тулдирма туплар, арғамчи, резина тасма ёки амортизаторлар, тошлар, штангалар билан) турли гим-настика снарядлари (деворча, арқон, нарвон, бруслар, турник, ^^алқаларда) бажариладиган машқлар кенг қулланилади. Атлетик гимнастика машғулотларида умумривожлантирувчи машқлардан ташқарқ югуриш, сакраш (осма майдончалардан тепалик жой-ларга, тусиқлар устидан баландликка, узунликка), тирмашиб чи-Қиш ва урмалаш, улоқтириш ва илиб олиш (тулдирма тупларни, енгил атлетика ядроларини, тошларни), мувозанат сақлаш, оғир-ликларни кутариб утиш машқлари қулланилади.

Атлетик гимнастика машғулотлари ^^афтасига 2—3 марта группалар билан шунингдек, қар куни якка-якка утилади. Группа 1«ашғулотлари дарс шаклида 60—90 минутдан утилади.

Шахсий атлетик гимнастика билан қар куни ишдан ёки уқиш-
Дан қайтгач, доим бир хил вақтда, овқат исте-вмол қилгандан
> 2 соат кейин 20—^40 минутдан шуғулланиш лозим. Шахсий

■Машғулотларда икки ёки уч комплекс бажарилади. Биринчи комплекс мазмунига кура гигиеник гимнастика комплексини эслатиб машғулотга тайёрловчи.қисм }^исобланади ва у }^ар кимнинг шахсий хусусиятини ^^исобга олган }^олда тузилади.

Иккинчи ва учинчи комплекслар кучни, қайишқоқлик ва чаққонликни ривожлантирувчи машқлардан тузилади. Уларни бажаришда турли буюмлар, оддий мослама ва мебеллар қулланилади. Учинчи, комнлекс иккинчисининҷ давоми :қисобланса-да, аммо >^ам. ма машқлар жадал сург.атда бажарилади. Шунинг учун у бош-ланғич тайёрликдан утган ва камида бир йил атлетик гимнастика билан систематик суратда шуғулланганлар учун тавсия қилинади.

Атлетик гимнастика машғулотларйда мускул кучини ошириш билан бирга уларнинг ?^ажмини катталаштириш ^^ам му;^имдир, чунки қосил қилинган куч мускул қажмининг усиши билан бара-вар ривожланса, у узоқ вақт сақланади. Бунинг учун етарли да-ражада катта оғирликлар, лекин ута оғир булмаган, сидирғасига 10 мартагача (қар бирини 3—4 секунддан) бажариш мумкин бул-ган машқлар қулланилади. Фақат шундагина қузғатувчи куч ва шунга мувофиқ, мускул туқималарининг активлйги қам мускуллар-да оқсил парчаланиши учун етарли булади, бу эса тикланиш даври-да мускулларда купроқ оқсил г;осил булишига имкон яратади.

Мускуллар кам зуриққан вақтда қузғалиш 5^ам унча катта бул-. майди, шунга мувофиқ экзалБтацчя фазаси дам паст даражада намоён булади. Демак, кичик нагрузкали, кам мускул зур беришига эга булган машғулотларнинг жисмоний сифатларни ривожланти-риш учун самараси кам булади. Қаракат фаолиятининг жадалли-ги (нагрузка миқдори ва жадаллиги) аста-секин оширилиб бориши зарурлигини қам қисобга олиш керак. Муайян тайёргарликсиз ^^аддан ташқари нагрузка ва чарчаш фойда урнига зарар келтири-ши мумкин. Атлетик гимнастика машғулотларининг бошланишида з^амма мускул группаларини ривожлантирувчи енгил машқлар киритилиши зарур, уларнинг узлаштирилиш даражасига қараб борабора қийинроқ машқлар қулланилади. Комплексларга машқ-ларни танлаш қоидаси ва уларнинг навбатини белгилаш «Гигие-ник гимнастика» булимида баён этилгандек булади.

Атлетик гимнастика машғулотлари жараёнида қуйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур:

1) соғлиқни кузатиб бориш. Бир йилда 2 марта мунтазам медидина куригидан утиш ва врач билан машғулотларда қулланилаётган 5^аракат фаолиятининг тартиби ва нагрузкаси қақида масла}^атлашиш;

2) жисмоний ривожланишни кузатиб бориш ва жисмонии ривожланишнинг асосий курсаткичларини з^исобга олиб бориш: упканинг сиғими, максимал ва минимал қон босими (тинч }^олат-да); буй ва тана оғирлигини, қул, гавда (бел ва қорин прессининг) ва оёқ кучини, кукрак қафаси, елка, сон ва болдир айланасини улчаб бориш;

3) гигиеник талабларга (кун тартиби, машғулотлар вақти, *уз*-узини назорат қилйшга) риоя қилиш ва курсаткичларни (каи-

, ятни, томир уришини, уйқу, ишта}^а, иш қобилиятини) ёзиб бо-

^ 4) қомат }^олатини кузатиб бориш;

5) уз хусусиятларини з^исобга олган г;олда, машқлар-комплексинй тузишни урганиб олиш;

я) атлетик гимнастика туғрисида адабиётларни кузатиб, уқиб бориш зарур.

16-6 об

## ГИМНЛСТИКЛНИНГ ЛМЛЛИЙ ТУРЛЛРИ

### 16.1. АМАЛИЙ ТУРЛАРНИНГ ТА^РИФИ

Гимнастиканинг амалий турларига қуйидагилар киради: корхонадаги (ишлаб чиқариш) гимнастикаси, профессионал-амалий гимнастикаси, спорт -^ амалий гимнастикаси, )^арбий — амалин гимнастика ва даволаш гимнаетикаси. Гимнастика танлаб олинган мутахассислик, }^арбий фаолият ва у ёки бу спорт турида муваффақиятга эришиш учун зарур булган фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган. Ишлаб чиқариш, гимнастикаси меқнаткашларни соғломлаштириш ва меқнат унумдорлигини ошириш учун хизмат қилади, шунингдек, меқнат фаолияти жараёиида фаол дам олишни та'Ћмннлайди. Даволаш гимнастикаси эса терапевтик воситалар билан биргаликда турли касалликларни даволашнинг ва жаро}^атланишдан кейин тез соғайишнинг самарали воситаси сифатида қулланилади.

Бу турлар гимнастиканинг умумий йуналишини сақлаган қолда, киши маадум фаолиятининг вазифаларини аниқроқ белгнлашга ва }^ал қилишга имкон беради, бу фаолиятга мақсадга мувофиқ тайёрланиигаи ёки ижодий ва юқори унумдорлик билан мез^нат қилишни та-Бминлайди.

### 16. 2. ИШЛАБ ЧИҢАРИШ ГИМНАСТИКАСИ

Саноатда ишлаб чиқариш жараёнида комплекс механизапия ва автоматизадиянинг жорий этилиши ки1ии олдига янги-янги талаб-лар қуйиб, унинг мез^нат характерига тат>сир курсатмоқда. Куп-гина ИП1 оп^ераңиялари юқори аниқликни ва қаракат уйғунлигини, зур диққатни жалб қилишни талаб қилмоқда. Қар қандай ишни муваффақиятли бажариш учун юқорй иш қобилияти талаб қилинмоқда, Олиб борилган тадқиқотлар ишлаб чиқариш гимнастикасининг меқнаткашлар соғлиғига ва жисмоний ривожланишига, Улар.нинг иш қобилиятини оширишга, жароз^атланиш ва ишлаб чиқаришда бра-книнг камайишига, ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга ижобий та-всир курсатишини асосли тарзда тасдиқламоқда. Гимнастиканинг иш режимига жорир"! этилиши билан ме?^-нат унумдорлиги уртача 1,5—2,0 продент ошганлиги ма-влум.

Гимнастиканинг киши организмига фойдали татзсирини экспериментал ма-влумотлардан ташқари узида >^ис этиб, синаб курган ишчилар билдирган фикрлар қам тасдиқлайди. Ме?;нат жараёнида

ңулланиладиган гимнастика машқлари киши организмига ^ар то-монлама та-всир курсатади. Улар ёрдамида организмнинг турдң функдияларига мақсадга мувофиқ тарзда таг,сир курсатиш мум-кин. Машқларни мунтазам бажарганда }^аракат аниқлиги ошади, улар тежамли, чаққон ва кузда тутилгандек булади. Шундай қң. либ, ишлаб чиқариш гимнастикаси билан систематик тарзда шу. ғулланганда (кириш гимнастикаси ёки физкулБтура наузаси) ки-ши соғлиғи яхшиланади, иш қобилияти ошади, уюшқоқлик ва ин-тизомлилиги тарбияланади.

Ишлаб чдқариш гимнастикасини ташкил этиш. Ишлаб чиқа-риш гимнастикаси бевосита ңехда, булимларда, лаборатория ' ва бошқа жойларда смена олдидан ёки иш куни давомида махсус танаффусларда утказилади.

Қозирги вақтда ишлаб чиқариш гимнастикасининг икки форма-си мавжуд:

1. Киришиш гимнастикаси: Киришиш гимнастикаси-нинг мақсади— организмдаги физиологик жараёнлар фаолиятини тезлаштириш ва ишга функңионал тайёргарликни оширишдир. Иш-га тайёрланиб киришишда организм янги шароитга, булажак фа-олиятга қайта мослашади. Ишга киришиш жараёни меҗнатнинг турига қараб :қар хил булади. У 1,5—2 соатгача давом этиши мум-кин. Ишга киришиш олдидан қилинади/ан гимнастика ишга тай-ёрланиб киришиш даврини анча қисқартиришга ёрдам беради (В. М. Никулиннинг берган маглумотларига кура ишга тайёрла-ниб киришиш ярим баравар қисқарар, шунга мувофиқ ишлаб чи-қариш унумдорлиги анча ошар экан). Киришиш гимнастикаси 7— 10 минут давом этади.

2. ФизкулБтур.а паузаси. Организмнинг }^аётий фао-лияти учун нерв системасининг дам олиши жуда катта ақамиятга эга. Иш фаолияти давомида нерв қужайралари анча қузғалган ^о-латда булади, иш бир оз тухтатилганда эса янгидан қувват олади. ФизкулБтура паузаси >^ам шунга асосланади. Физкулвтура пауза-лари ёрдамида иш қобилияти қатгий, юқори булишга эришилади ва инсоннинг жисмоний сифатлари муваффақиятли камол топиб боради.

[|| *"

Физкулвтура паузасини утказиш вақти чарчашнинг дастлабки аломатлари сезилганда белгиланади. Чунончи, бунда толиқиш, х^ар-дамхаёллик пайдо булади, }^аракатларнИ'бошқариш сусаяди ва иш қобилияти пасая бошлайди. Машғулотга 5—7 минут ажратилади.

Бир маромда бир хил ме^^нат қилиш билан машғул кишилар учун иккита физкулһтура паузаси утказиш фойдалидир: биринчиси тушки танаффусдан 1,5—2 соат олдин, иккинчиси эса тушдан ке-йин, сменани тугатишга тахминан 1,5—2 соат қолганда. «Физ-кулымпнутлар» >^ам утказилиши мумкин, Улар 2—3 машқдан ташкил топади. Улар физкулыура паузаларини ташкилий сурат-да утказиш имкониятн булмаган жойларда қулланилади.

У ёки бу пехда, булимда ишлаб чиқариш гимнастикаси машғу-лотларини бошлашдан (жорий этишдан) олдин талабга мос кела-диган гигиеник шарт-шароитни яратиб олиш зарур. Кейин машқ-

пмплекси тузилади ва улар плёнкага ёзиб олинади, ишчилар ■"^^ *тт* уларни машқлар комлексининг мазмуни билан таништи-^^яиган жамоатчи инструкторлар тайёрланади. ^ Иш куни режимига гимнастиканинг жории қилиниши буируқ ^пкали пасмийлаштирилади.

•

^ Методнстлар, шунингдек, цех бошлиқлари ва жамоат ташки-апининг вакиллари ишлаб чиқариш гимнастикасининг бевоси-тя ташкилотчилари ва жорий қилувчилари ^^исобланадилар.

КонсулБтадия бериш, раз^барлик қилиш ва назорат қилиш иш-пяпи үчун «саломатлик совети» (методик совет) тасдиқланади. Үнинг рахбарлигида корхонада гимнастикани жорий қилиш, инс-трукторларни тайёрлаш (25-ЗО^ишчига 2 кишидан) каби ишлар олиб борилади. '^ ' . ■

Ишлаб чиқариш гимнастикасини ташкил қилиш шуғулланув-чиларнинг касб фаолияти хусусиятларини яхши урганиш ва }^исоб-га олишни талаб қилади. Бироқ касблар жуда куп ва турли-туман-дир Шунинг учун уз табнати жиг;атдан ухшаш ихтисослар ишлаб чиқариш гимнастикасининг вазифасига кура қуйидаги группалар-га жамланган:

1- г р у н п а — нерв зур бериши, жисмонии нагрузканинг озлиги ва иш харакатларининг бир хиллиги билан ифодаланадиган х;амма (майда" механизмларни йиғувчилар, электр лампалари монтажчи-лари, перфораторчи аёллар, тикувчи-мотористкалар, конвейерлар-да масалан: соатсозлик заводлари, пойафзал фабрикалари ишчи-лари ва бошқа) иш турлари киради. Одатда, булар утирганда ба-жариладиган бир зайлдаги ме?^натдир. Ишчиларнинг >^аракати чекланган булса )^аы аммо бу ме^^нат ишчидан аниқлик ва диққат-нинг ута жамланган булишини, куз нурини талаб қилади.

П гр у п п а жисмоний ва ақлий ме^^нат бирга иштирок этадиган . (токарлар, фрезерчилар, рандаловчилар, мотор йиғувчилар ва бошқалар) иш турлари киради. Иш тик турган қолатда бажарила-ди Бу ишда динамик ва статик }^олатлар тез-тез алмашипиб ту-ради. Бундай иш доимий диққатни ва қараб туришни талаб этади.

П1 г р у пп акатта жисмоний зур беришни талаб этадиган тур-ли (қолипчилар, прокатчилар, қурилиш ишчилари ва бошқалар) ишлар киради.

IV г р у п п а г а доимий ақлий зур бериш ва узоқ муддат дик-қат билан қарашни талаб қиладиган (}^исобчи ходимлар, диспет-черлар шифокорлар, инженер ва бошқалар) касблар киради.

Ундан ташқари, зур диққатни, катта нерв зур беришини, узга-рувчан шароитга тез жавоб беришни, шовқинда, тебранма жойда Г5а бошқа ташқи қузғатувчилар та-всири остида ишлашни талаб қиладиган касблар (учувчилар, шофёрлар, локомотив ^^айдовчила-ри ва бошқалар), ер остида ишловчи касбдагилар (забойшиклар, шахтада лахм қазувчилар), узгарувчан г^арорат ва бошқа шароит-ларда ишлаш билан боғлиқ касблар (баландга чиқувчилар, қиш-лоқ хужалик ишчилари) ва бошқалар ало}^ида ажралиб туради.

Машқлар комплексини тузаётганда қуйидаги принқиплардан келиб чиқиш зарур:

1) комплекснинг мазмуни кириШиш гимнастикаси ёки физкулвтура паузасининг вазифаларига мос келиши;

2) :қар бир комплексга танланган машқлар шуғулланувчилар организмига }^ар'томонлама тагсир курсатадиган булиши;

3) комплексларни тузаётганда қулланиладиган машқлар шуғулланувчиларнинг кентингентига ва машғулот утказиладиган шароитга (цех, ишчи кийими, жинси, ёши ва бошқаларга) мос келадиган булишига э^тибор бериш;

4) машқларни шундай тартибда жойлаштириш керакки, ол-динги машқ кейинги машқнинг муваффақиятли бажарилишига за-мин тайёрлайдиган булиши;

5) жисмоний нагрузка шуғулланувчиларнинг тайёргарлигига мос келадиган булиши керак.

*Киришиш гимнастикаси машқлари комплексининг сх-емаси:*

1. Юриш.
2. Қадни чузиш (чуқур нафас олиб).
3. Гавда мускуллари учун машқлар.
4. Сакрашлар, турган жойда югуриш ёки тез утиб туришлар.
5. Елка буғини, қул ва бармоқлар учун машқлар.

6—7. Иш қаракатларига (мускул кучланиши, ?^аракатлар характери ва суртзати) ухшаш махсус машқлар. Бу машқларни мег;нат пайтидаги }^аракатларнинг уртача сург,атидан юқорироқ сургатда бажариш тавсия қилинади.

*Физкулhтура паузаси машқлари комплексининг схемаси:*

1. Қадни чузиш.

2— 5. Гавда,' қул ва оёқ машқлари.

6. Қаракат уйғунлиги машқлари.
7. Якунловчи машқ.

ФнзкулБтура паузаси комплексига ме}<;нат }^аракатлари тагсиридан кура бошқача тагсир курсатадиган, бошқа мускул группаларига ва тана қисмларига та-всир қиладиган машқлар киритили-ши керак, чунки бир фаолиятдан иккинчисига утишда фаол дам олиш приндипи куироқ амалга оширилади.

Машғулотларки утиш методикаси. Иш куни давомида утказиладиган гимнастика машғулотлари одатий иш кийимида, ёши ва тайёргарлиги турлича булган барча ишчилар (эркаклар ва'аёллар) билан утказилади.

Машғулотни методист ёки жамоатчи инструктор утказади, бун-да у комплекс машқларни намуна тарзида курсатиб қолмасдан, ?^ар бир иштчининг машқ бажариш сифатини )^ам кузатиб боради, :^аракат ритмини бузмасдан хатоларини тузатади.

Гимнастика машқлари радио орқали эшиттирилганда музика журлигидаги машқларни туғри бажариш учун ^^ар бир ишчи машқлар билан олдиндан танишиб чиққан булиши зарур. Бунда гимнастика утказувчининг курсатмалари музика журлигига мос келиши учун қуйидагича қисқа тушунтириш сузлари қулланилиши: «оё-қ-ларни баландроқ кутаринг», «пастроқ энгашинг», «купроқ бури-линг», «оёқларни (қулларни) букманг» ва ;^оказолар шулар жум-ласидандир.

Машқларнинг самарадорлигини ошириш учун, *у^а-р* 4—5 кунда айрим машқлар мазмунига узгартириш киритиш ёки мураккаблаштириш мумкин. Бутун комплекс эса одатда, 3— 4 г;афталик машғулотдан кейин алмаштирилади.

Методист ёки жамоатчи инструктор шуғулланувчиларнинг кайфиятини мунтазам кузатиб бориши, комплекснинг айрим машқларига уларнинг муносабатини аниқлаши ва янги комплекс тузганда буларни }^исобга олиши керак. Машғулотларнинг самарадорлигини мунтазам ^^исобга олиб бориш ва ишчилар соғлиғига ижобий а}^амиятини ошириш учун комплекслар мазмунига уз вақтида зарур узгаришлар киритиб бориш лозим.

Шуғулланувчиларни уз-узини назорат қилишнинг энг оддий усуллари билан таништириш даркор; томир уришини қисоблай олишни, гимнастикадан кейин (дарз^ол ва машғулотлардан кейин матзлум вакт утгач) пайдо буладиган турли, хисларни, уйқу, ишта}^а, чарчаш, умумий >^олат ва бошқаларни баз^олай олиш ва қоказолар.

## 16.3. ПРОФЕССИОНАЛ-АМАПИЙ ГИМНАСТИКА*

Профессионал-амалий гимнастика—кишиларнинг қаракат қобилиятларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган ва уларнинг уз ихтисосларига хос ме>^нат з^аракатларини тезроқ узлаштиришга мулжалланган булиб, профессионал-амалий жисмоний тайёргарликнинг таркибий қисми қисобланади. Профессио-нал-амалий гимнастиканинг восита (машқлари) ва методлари ёрдамида булажак касб (кум^^р комбайни з^айдовчилари, қурув-чилар, монтажчилар, металл-станокчилари, тикувчилар, юқори кучланишдаги ток билан ишлайдиган темир йул электромонтёрла-ри ва хоказо)лардаги қаракат фаолиятини муваффақиятли бажа-риш учун зарур булган жисмоний сифатлари ривожланади ва ха-ракат малакалари такомиллашади.

Профессионал-амалий гимнастика, умумий жисмоний тайёргарлик машғулотлари каби, асосан ихтисослашган техника билим юртларида, шунингдек олий укув юртлари *У{ашла* техникумларда утказилади.

Профессионал-амалий жисмоний тайёргарлик конкрет мез^ңат фаолияти юқори талабларкуядиган жисмоний сифатларни, қара-кат мал^акаларини ва укувчилар организмининг психофизиологик функиияларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратил-ган педагогик жараён қисобланиб, бу тайёргарликда гимнастика-га муз^им урин ажратилади.

* Қарбий - аматий гимнастика узининг йуналиши буйича профессионал - амалий гимнастиһага ухшаш булиб, фақатгиг.а бсшқа мақсадда қулланилади. Унинг воситалари Совет Армиясига чақириладиганларни жисмоний тайёрлаш учун қулланилади ва *х^ар* бир қушин тури жарбийхизматчиларини жисмоний тайёрлашнинг асоси булиб хиэмат килади. (Каралсин: Наставление по физической подготовки Вооруженных силСССР'. Военгиз.' 1975.)

Буюмсиз ва буюм воситасида бажариладиган машңлар, гимнастика снарядларидаги (гимнастнка девори, скамейкаси, арқон, лангар, яккачуп ва бошқалардаги) машқлар, шунингдек, оддий акробатика машқлари, оддий ва таяниб сакрашлар профессионал-амалий гимнастиканинг асосий воситалари :қисобланади.

Профессионал-амалий гимнастика булажак ёш ишчиларнинг х^ар томонлама жисмоний тайёргарлигини ва матзнавий бойлигини ривожлантиришга, уларни ;қаётга, ^^озирги даврнинг юқори унум-ли ишлаб чиқариш меқнатига ва Ватан қимоясига тайёрлаш учун хизмат қиладиган ва ^^амма уқувчилар учун ягона булган уму-мий жисмоний тайёргарликдан фарқли улароқ булажак иш-лаб чиқариш фаолиятидаги ихтисосликнн қисобга олган .^олда ут-казилади. _Унинг мазмунига бирон соқа меқнат фаолиятининг. ху-сусий шароити учун муваффақиятли тайёрлаш' мумкин булган гимнастнка машқлари ва 'бошқа машқлар киритилади.

Уңув плани буйича мажбурий машғулотлардан ташқари мах-сус ташкил қилинган факулһтатнв ва секдия машғулотлари катта ақамиятга эга булиб бормоқда. Эрталабкк гигиеник гимнастика-нинг кундалик машғулотлари жараёнида, дарсдан ташқари бирон-бир спорт тури билан шуғулланиш, шунингдек, физкулвтура-соғ-ломлаштириш ва туристик тадбирлар жараёнида бирон касбни ^^исобга олган қолда махсус тайёргарликни амалга ошириш мум-кин. Хар бир муаяйн ихтисос учун фойдалироқ гимнастика машқ-ларини ёки спорт турларини тавсия қилиш мумкин. Чунончи, мон-тажчи-^авозакорлар учун багутда сакрашлар, спорт гимнастикаси машқлари, акробатик сакрашлар, шунингдек трамплиндан сак-рашлар; тикув саноати ишчилари учун панжа, кафт қаракатлари чаққонлиги ва тезлигини, шунингдек оёқ ва бел мускулларининг чидамлилигини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратил-ган машқлар; сув транспорти ишчилари учун—харакат қилиб ту-радиган таянчда (яккачупда ва бошқаларда) мувозанат сақлаш машқлари, тирмашиб чиқиш, тирмашиб ошиб утиш машқлари кат-та ёрдам курсатиши мумкин.

### 16.4. СПОРТ-АМАЛИЙ ГИМНАСТИКАСИ

Спорт-амалий гимнастикаси турли спорт турларидаги умумий ва ма'хсус жисмоний тайёргарликнинг таркнбий қисми :!^исоблана-ди. У жисмоний сифатларни такомиллаштириш ва снортчилар организмининг функңионал имкониятини ошириш учун қуллани-лади.

Спорт-амалий гимнастикаси умумий ва махсус жисмоний тай-ёргарлнкни ошириш воситаси сифатида кенг ңулланнлади. Гнм-настика машқлари ёрдамида организмнинг турли системалари фаолиятининг ривожланишига (турли мускул группаларига, тана-нинг алоқида ңисмларига, органлар ва бошқаларга) танлаб та-в-сир курсатиш ва спортчининг индивидуал хусусиятларини дисоб-га олиб, жисмоний нагрузканинг қажми ва характерини максимал да-ражада вариантлаштириш мумкин. Бу хол айнан спорт-амалий

гимнастикасининг спорт натижаларини оширишнинг энг му;^им ва якка-ягона воситаси сифатида қулланиш имконини беради. Мускул зур беришининг тузилиши ва характери буйича у ёки бу спорт турининг }^аракат фаолиятига хос ёки ухшаш машқлар тав-сия қилинади. Чунончи, гавда айланма з^аракат қиладиган спорт турларида (фигурали учиш, кураш, сувга сак-раш) акробатика машқлари кенг қулланилади, улар ёрдамида таянч-қаракатланти-рувчи аппарат ва мувозанат органлари (вестибуляр анализатори-нинг функңияси) такомиллашади.

Комплекс воситалар купроқ нафас олиш, қон айланиш орган-ларига та-Бсир курсатадиган бошқа спорт турларида умумривож-лантирувчи машқлар, арғамчи билан бажариладиган турли маш'қ-лар ва қар турли сакраш ва ирғишлар (бокс, кураш, енгил атле-тика ва бошқалар) катта урин эгаллайди.

Қуйидагилар спорт-амалий гимнастикасининг асосий восита-ларидир:

1) буюмсиз ва буюмлар (гимнастика таёғи, гантеллар, тулдир-ма туп, арғамчи, резина амортизатор ва бошқалар) билан бажа-риладйган машқлар;

2) оммавий снарядларда (гимнастика деворчаси ва гимнас-тика скамейкаси, арқон, лангар, осма ма-йдонча) ва шунингдек» конБда, козёлда, }^алқада, брусларда ва турникда бажариладиган машқлар;

3) акробатика машқлари, батутда, трамплиндан сакрашлар;

4) таяниб ва таянмай сакрашда-р.

Қуйидаги машқларни айрим жисмоний сифатларни такомил-лаштириш учун қулланиш зарур:

а) к у ч н и ривожлантириш учун—тезкор-куч машқлари (ута оғйр булмаган юк биланзнг каттатезликда ва ута оғир юк билан чарчагунга қадар машқ бажариш) ва комплекс татзсир қилувчи машқларни қулланиш лозим. Масалан, курашчи, ш!тангачи, эш-какчилар учун блокли қурилмалардан иборат гимнастика снаряд-лари; спорт уйинчилари учун 'буюм билан бажариладиган машқ-лар, динамик характердаги оддий машқлар, турли ирғиш ва сак-раш машқлари жуда фойдалидир;

б) қ а й и ш қ о қ л и к н и ривожлантириш учун қаракатлар-нинг амплитудасини аста-секин ошириб бажариш, шерикнинг ёрдамиданфойдаланиб машқ бажариш, оммавийснарядларда (гим-настика деворчаси, арқон, лангар ва бошқалар) машқлар бажа-риш зарур. Масалан, сузувчилар учун елка буғинининг яхши }^а-ракатчанлиги зарурдир, уиинчиларга эса (футбол, баскетбол), тос-сон ва болдир-товон буғинларининг харакатчанлиги лозим;

в) ч а қ қ 0 н л и к н и такомиллаштириш учун—купроқ коорди-наңия машқларини (}^ар хил усул ва турли йуналишда гавда ай-ланишини тала'б қиладиган), акробатика машқларини, шунингдек турли хил сакрашларни (таянчсиз, таяниб туриб, пастликка, трамп-линдан, айланиб бажариладиган сакраш ва бошқалар) қулланган магқул.

Спорт-амалий гимнастикасининг курсатилган машқлари спортчини тайёрлашнинг турли босқичларида, тренировканинг барча даврларида, албатта,_ спорт турининг хусусиятларини з^исобга.ол-ган г^олда қулланилади. Даракат фаолиятининг шакли ва услу-би типик булган спорт турлари (фигурали учиш, сувга сакраш ва бошқалар)дагина уларнинг }^ар бирининг хусусиятларига қараб гимнастикага хос услубга эришиш зарур, кунгина бошқа^ спорт турлари учун эса даракатлар эркин ва кенг амплитудада бажарилишга" эришиш лозим. Гимнастика снарядларида машқ бажари-лар экан, тезлик фаолияти шиддатли :қаракат характерига эга булган спортчиларнинг машғулотларида узоқ давом этадиган ста-тик 35Ф беришларга йул қуймасликка эришиш зарур.

Спорт-амалий гимнастика машғулотлари кундалик эрталабки гимнастика шаклида утказилади. Унга гигиеник гимнастикадан ку-ра анча жадалроқ бажарнладиган машқлар киради ва 20-40 мин. давом этади. Спортчининг чигил ёзишга киритиладиган машқлар бажариш характери буйича муайян спорт турининг асосий :?^ара-кат фаолиятигз' ухшаш| булиши керак.

# IV қ и с м

,

# МАШҒУЛОТ НКАЗИШНИНГ ФОРМАЛАРР^

## 17-6 **об ГИМНАСТИКА**

## **ДАРСИ**

Гимнастика машғулотлари дарс формасида ва мустақил машғулотлар формасида утказилиши мумкин. Машғулотларни дарс формасида утказишнинг афзаллиги энг аввало шундан иборатки, уни уқитувчи утади. Дарсда у ташкилотчилик ва бошчилик қилиб, уқув-тар'бия ва тренировка ишларининг самарадорлигини қуйида-ги йуллар билан та-БМинлайди: бунда у *бутуя* уқув-тарбия жараё-ни ва з^ар бир машғулотнинг вазифаларини туғри белгилашни; уқувчиларга малакали ёрдам курсатишии; совет кишиларига хос ахлоқий фазилатларни тарбиялашни амалгя' оширади.

Машғулотларни дарс формасида утказишнинг афзалликларига яна унинг коллективчилик томонини *^ш* қушиш мумкин. Бунда шуғулланувчи уртоқлари орасида машқ қилаётганда уз камчиликларини сезиб аниқлаши ва тузатиши осон булади.

Машғулотларни утказиш ш'артига қараб, улар уқув, трениров-ка ва уқув-тренировкадан иборат булади.

Уқув ва тренировка ;машғулотлари соф қолда жуда кам уч-райди. Амалда купроқ уқув-тренировка машғулотлари уткази-лади.

Машғулотларнинг мазмуни, ташкил қилиниши ва утиш методикаси бир-биридан фарқ қилишига қарамасдан, барчз' машғулот-лар тузилиши жиқатидан умумий пр«ннипга зга.

## 17.1. ДАРСНИНГ ТУЗИЛИШИ

Дарснинг тузилиш'и деганда, педагогик масалаларни *){ал* қилишдагй муайян изчиллик .в.а шунга мувофиқ жисмоний машқларнинг навбатланиш тартибини тушунамиз.

Дарснинг энг мақсадга- мувофиқ изчиллигини, ягни унинг туғ-ри ташкил қилинганини белгилайдиган омиллар қуйидагилар::

1. Шуғулланувчиларнинг куч ва вақтни минимал сарфлаб, максимал натижаларга эришиши.

2. Бутун дарс давомида шуғулланувчиларнинг юқори иш қобилиятини сақлаш.

3. Машғулот утказишда, унинг режимини белгилашда шуғуллaнувчила-рнинг соғлиғи учун қулай шйроит яратиш.

Қар қандай гимнастика машғулоти учун учта босқич мавжуд-дир. Биринчи босқичда шуғулланувчилар асосий ишга тайёрлана-дилар; иккинчи босқичда асосий иш бажарилади; учинчи босқич-да эса—у якунланади. Бу босқичларни дарс қисмлари, я-вни дарс-нинг тайёрлов, а^осий ва якунловчи қисмлари деб номлаш қабул қилинга«.

## 17.2. ДАРСНИ УТИШГА ОИД УМУМИЙ МЕТОДИК К7РСАТМАЛАР'

**Ургатиш мақсадларини аниқлаш.** Дарсда уқитувчининг фаолиятини белгилайдиган омил дарснинг мақсадидир. Ургатиш мақсадини туғри белгилаш уни муваффақиятли утказиш ва якунлаш-нинг асосидир. Дарс воситаларини, метод ва уни ташкил қилиш шаклларини танлаш' энг аввало, ургатиш мақсадига боғлиқ була-ди. Уқитувчининг қар бир хатти-}^аракати мақсадга' мувофиқ бу-лиши зарур. Шуни }^исобга олиш керакки, машғулотнинг мақсади-ни аниқ тасаввур қилиш дарсда шуғулланувчиларнинг активлиги-ни оширади, зарур булган йуналишда зур беришга жалб этади.

**Дарс воситаларини танлаш.** Гимнастика дарсининг мазмунини асосан дайлат программаси белгилайди. Бироқ, машғулотлар тур-ли шароитларда утказилади, буни ягона умумий программа ор-қали хисобга олиб булмайди, шу сабабли у методик та5!;лил .қи-лишни ва айрим қолларда қушимчалар киритилишини талаб қи-лади.

. Қар бир укув-тренировка жараёнп босқичининг (чорак, се-местр, тренировка дикли ва қоказо) охирги мақсади белгиланган-Дан кейин, қисқа вақт булаги учуи, жумладан навбатдаги дарс учун вазифалар >;амда мазкур дарс учун воситалар белгилаш мумкин.

Уқитувчи дарсда уқувчиларга амалий ва соф спорт машқлари-ни бажаришнинг қулай усулларини ургатади.

Қуйидагилар гимнастика дарсининг асосий воситалари қисоблaнади:

1. Шуғулланувчиларнинг махсус жисмонин тайёргарлигини-тагминлайдиган машқлар.

2. Шуғуллаиувчиларни муваффақиятли узлаштиришини тагминлайдиган ёрдамчи ва ма^сус қушимча машқлар.

3. Шуғулланувчиларнинг координацияла Ш имкбнйятйнй бширадиган турли-туман гимнастика машңлари.

4. Шуғулланувчиларнинг мазкур-/К0нтингенти учун мансуб булган ва давлат программасида назарда тутилган машңлар.

Дарснинг зичлиги. Д а р с н и н г умумий з и ч л и г и (проңент .қисобида) қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$P_{умум} = \frac{Tф.100}{}$$

р дарснинг умумий зичлиги;. Т — фойдали „умум фаолият учун (маш-ғулотга туғридан-туғри да^лдор ;^аракатлар учун) сарф қилинадиган вақт, бунга машқларни бажариш, уларни бажаргандан кейин зарур булганча дам олиш, уқитувчининг курсатиши ва айтиб беришини та?^лил қилиш киради; Ту —дарс жадвали буйича белгиланган уму-мий вақт.

Машғулотнинг умумий зичлиги машғулот жуда туғри уюштирилганда 100% га яқин булиши керак. Бу курсаткичнинг пасайи-ши уқитувчи ишида йул қуйилган камчиликлар оқибати ^^исобла-нади.

Қуйидагилар дарс зичлигини пасайтириб юборишга сабаб булиши мумкин:

1. Машғулот жойини ва спорт инвентарларини уз вақтида тайёрламаслик }^амда машқ бажаришдан олдин навбат кутиб ңолиш ва :?^оказолар натижасида дарсда сабабсиз кутиб қо-лиш..
2. Уқитувчининг машғулотга тайёрланмаганлиги.
3. Уқитувчининг ортиқча ёки самарасиз тушунтириши.
4. Дарсда шуғулланувчиларнинг интизомсизлиги.

Мотор з и ч л и г и бевосита машқ бажариш учун сарф қилин-ган вақтнинг машғулотнинг умумий вақтига нисбати (проңент ^исо-бида) булиб, қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$•'' мот = \frac{T_„.100}{T_у}$$

бунда Р^^^^^ — дарснинг мотор зичлиги; Т^—машқ бажариш учун сарфланган вақт.

Умумий зичликдан фарқли улароқ, мотор зичлиги 100% га интилмайди. Мотор зичлигининг умумий курсаткичига қараб, бу-тун машғулотнинг сифатига ба>;о бериб булмайди. Мотор зичлиги машғулот давомида доимо узгариб туриши лозим. Бу узгаришларнинг муқаррарлигига сабаб, знг аввало, қулланиладиган машқ-лар мазмунининг :қар хиллиги, уларни қулланиш' жойи ва утка-зиш методларининг турличалигидир. Масалан, тайёргарлик қисми учун уртача жадалликда бажариладиган машқлар танланади ва улар одатда, фронтал усулда дам олиш учун кичик паузалар би-лан (айрим з^олларда паузасиз) утказилади.

Шунинг учун, тайёргарлик қисмида мотор зичлигининг курсаткичи доимо юқори булади. Спорт гимнастикаси дарсининг асо-

сий қисмида катта зур бериш машқлари нулланилиши сабабли мотор зичлигининг курсаткичлари, одатда, пастроқ булади. Шу-нингдек машғулотнинг мазкур қисми *уртасижқа* жам мотор зичлиги курсаткичлари машғулот турига (гимнастика куп кураши назарда тутилади) қараб узгариши мумкии.

**Шуғулланувчиларга ңуйиладиган талаблар.** Уқитувчи дарс мақсадини аниқлаш ва уларни қал қилиш учун энг қулай воси-таларни танлаш' билан белгиланган мақсад сари дастлабки қа-дамни қуяди, лекин бу қали ;^ал қилувчи қадам эмас, албатта. Энг муқими— дарс програ^ммасида белгиланган ^амма машқлар-ни шуғулланувчилар томонидан аниқ бажарилишига эришишдир. Аксинча укув жараёни ^бошқарилмайдиган бир тадбирга айланиб қолади.

Уқитувчи дарс давомида шуғулланувчиларнинг хатти-қарака-тинй кузатиб бориши, машқнинг муайян шароитда мумкин бул-ган даражада сифатли бажарилишига эришиш; учун интилиши керак.

Уқитувчининг уқувчиларга юқори талабчан булиши унинг обру-сини ва предметга булган қизиқишини оширади.

Уқувчиларга ^)улган талабчанлик кутган натижани бериши учун қуйидагилар тавсия қилинади:

1. Топшириқдан четгз' чиқадиган биронта қа.м қодисага йул қуймасликни талаб қилиш.

2. Шуғулланувчилардан қаракатларни шу даражада сифатли бажарилишини талаб қилиш керакки, бу талаб уларнинг имкони-ят даражасидан ошмасин.

3. Шуғулланувчиларнинг харакатларида йул қуйилган хатолар уларнинг кунглини ранжитмайдиган қилиб, босиқлик билан бар-тараф этилиши керак.

Дарсда юксак даражада тартиб урнатилиши керак. Бу барча шуғулланувчиларни бутун дарс давомида қаттиқ («смирно» тик туришда) ушлаш керак дегани э.мас, албатта. Уқувчилар билан шундай узаро хмуносабат урнатиш керакки, уқитувчи хо^^лаган вақтда шуғулланувчиларнинг диққатини жалб қила олсин.

### 17. 3. ДАРСНИНГ ТАЙЕРГАРЛИК ҚИСМИ

**Умумий вазифалар.** Дарснинг тайёргарлик қисмида шуғулла-'^Увчилар шу дарс асосий қисмининг вазифаларини бажаришга тайёрланадилар.

Тайёргарлик қисми уз вазифасига кура икки группага були-надн. Биринчи группага чигил ёзиш (биологик вазифа) вазифала-Ри киради. Улар қуйидагилардир:

.. 1- Марказий нерв системаси ва вегетатив функдияларни тай-ерлаш. Бунда шуғулланувчиларни психологик жиқатдан тайёр-лаш, организ.м .^аётий фаолиятргаи ошириш, булажак фаолнят са-■^арадорлигинн тагминлайдиган қулай шароит яратиш назарда ■^Утилади.

2-. Шуғулланувчилардан зарур мускул зур беришини талаб қң, ладиган' фаолиятга з^аракат аппарати тайёрлигини та-Бминлаш Иккинчи группага татзлим вазифалари киради:

1. Шуғулланувчиларда г^аракат фаолиятларини белгила-б берилган )^ар хил параметрлар ,(зур бериш даражаси, йуналиши к;$^. лами, тезлик даражаси ва бажариш тезлиги) билан бажариш к^'-никмасини шакллантириш.

2. Қаракат фаолиятининг алоз^ида қисмларини ёки тугалланган оддий )^ара'Катларни узлаштириб олиш.

Тайёргарлик қисмининг та-БЛим бериш вазифаларини .^ал қилиш натижасида узлаштириладиган куникма ва малакалар,_, шуғулла-нувчиларнинг янги }^аракат фаолиятини тез ва сифатли узлашти-риб олиш имкониятларини оширадиган харакат базаси 'булиб }^и-собланади.

**Воситалар.** Гимнастика дарсининг тайёргарлик қисмида, одат-да, уртача жадалликда, бажариладиган машқлар: саф машқлари, жойдан-жойга кучишларнинг турли хиллари (юриш, югуриш, сак-раш ва ракс х^аракатларининг турли хиллари), буюмсиз, буюм ва юк билан, гимнастика девори ва скамейкаларида бажариладиган , умумривожлантирувчи машқлар қамда уйинлар кулланилади. Юқори жадалликда бажариладиган машқлар дарснинг кейинги асосий қисмида шуғулланувчиларнинг иш қобилиятларини пасай-тириб қуйиш'и мумкин. Шунинг учун дарснинг тайёргарлик қисми-да шуғулланувчиларда куч, чидамлилик ва ?^атто қайишқоқлик каби >^а'ракат сифатларини ривожлантиришта жиддий этзтибор берилмаслиги керак.

Тайёргарлик қисми учун конкрет машқлар танлаш гимнасти-канинг мо5^иятига, машғулотни утиш шароитига ва энг аввало унинг вазифаларига, шуғулланувчиларнинг состави ва муқитига боғлиқ булади.

Гимнастика дарсининг тайёргарлик қисмида қулланиладиган машқлар хилма-хилдир. Шуғулланувчилар бир дарс давомида тур-ли хил режимда (зур бериш ва бушашиш ритми, мускул группала-рининг ишга нониклик алмашиб киришуви ва з^оказо) ишлашга мажбур қиладиган, кишининг бутун харакат аппаратини фаол иш-га соладиган куп сонли ва турли хил )^аракат амалларини бажара-- дилар.

**Машңларни навбатлантириш.** Дарснинг тайёргарлик қисми, ак-сари, саф машқларини бажаришдан бошланади. Қаракат турлари саф машқларининг урнига қулланилиши ёки бевосита саф машқ-ларидан сунг келиши мумкин. Умумривожлантирувчи машқлар комплекси, одатда, дарснинг тайёртарлик қисмипи якунлайди. Ам-мо, баг.зан (асосий қисмнинг мазмунига қараб) умумривожланти-рувчи машқлар ?^аракат турларидан илгари утилиши мумкин.

Комплексда умумривожлантирувчи машқларга уларнинт бажа-рилиш жадаллиги ошиб боришига қараб урин берилади ва уз вази-фасига қараб иавбатлаштирилади. Комплекснинг бошида мут^та-дил куламда ва оз^иста бажариладиган машқлар тавсия қилиниб, уларнинг бажариш миқдорини чеклаш зарур. Комплексни бажа-

риш давомида з^аракат кулахми, сур-һати ва миқдорини ошириб бор-моқ керак.

**Дарснинг тайёргарлик қисмини утишга** оид умумий **методик курсатмалар.** Гимнастика дарсининг тайёргарлик қисмини утка-зишда уқитувчи қуйидагиларни амалга ошира олиши керак: 1) укувчиларга машқни тушунтиришнинг турли усулларидан фойда-ланишни; 2) ёрдам-курсатишни; 3) хатоларни тузатишни; 4) укув-чиларни майдончада жойлаштиришни.

*Уқитувчи тушунтиришнинг турли хил усулларидан* фойдалани-ши мумкин:

1. Тушунтиришнинг оддий усули—Оу бевосита кур-сатиш ва тушунтиришни бирга қушиб олиб боришдан иборат. Бу усул шуғулланувчиларнинг )^ар қандай составига }^ам мос кела-веради ва уқитувчига муайян машқнинг вазифасиңи, тафсилотини тушунтириш ва курсатиб бериш имконини беради.

2. Қисмларга ажратиб тушунтириш усули. Уқи-тувчн машқни оддий қаракатларга ажратиб курсатади ва тушун-тиради, шунингдек бир йула шуғулланувчиларга ^^аракатларни бажаришни таклиф этади, шу боис машқнинг }^ар бир қисми аниқ бажарилишига эришади.

3. Фақат гапириб тушунтириш. Уқитувчи машқни курсатмасдан айтади ёки тушунтиради. Бундай усул шуғулланув-чиларнинг э^тиборини кучайтиради ва мустақиллигини тарбиялаш-га кумаклашади. Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар билан машғулот утаётганда, уқитувчи дарсни ?^имоянамо тарзда олиб бориши мумкин._ Болалар эса 'уни уз тасаввурларида гуё 5^аракат тажрибаларига мос келадиган ^(^аракатларни бажараётган ^олда тинглашади.

4. Фақат курсатишбилан тушунтириш. Уқитувчи машқни тушунтирмасдан, фақат курсатади. Машқни курсатгандан кейин у машқни бошлаш ва тугаллаш учун зарур булган команда-дарни бериши мумкин ёки шуғулланувчиларга узининг барча >^а-ракатларини, шу жумладан машқлар орасидаги паузада қам так-рорлашни тавсия қилиши мумкин. Бу ^^олда у комплекснинг охири-гача ёки унинг бирор қисмигача бирон суз айтмайди. Бу усулни шуғз^-лланувчиларнинг }^ар қандай контингенти билан машғулот утаётганда қулланиш мумкин, айниқса ёш болалар билан машғу-лот утаётганда бу усул яхши натижа беради. Бу усул узига хос бир уйинни зслатади. Болалар уқитувчининг қар бир харакатини аниқ такрорлашга интиладилар.

*'Шуғулланувчиларга ёрдам курсатиш.* Уқитувчи шуғулланувчи-варнинг машқларни аниқ ва уйғун бажаришлари учун уларга ту-шунтириш, камчиликни кўрсатиш ва санаш орқалигина ёрдамла-шади.

*Хатоларни тузатиш.* Одатда машқни бажараётганда шуғулла-Нувчиларнинг кунчилиги хатога йул қуяди. Уқитувчи уларни дар-Қол тузатиши керак. Айрим қолларда у машқ' бажарилишини *ухтатмасдан туриб, уларнинг сурт.ати ва ритмига мослаб йул Чуйилган хатоларни курсатади. Борди-ю шуғулланувчиларнинг

купчилиги хатога йул нуйса, ижрони тухтатиб, тегишли тузатиш-Ларни киритиш манcадга мувофиндир.

*Шуғулланувчиларни майдончада жойлаштирии.* Шуғулладув-чиларнинг машқларни бажарётгандаги мустақиллиги вафаолли-ги аксари уларнинг майдончадаги турган жойига боғлиқ булади. Машқларни утиш учун шуғулланувчилар колоннасининг чап қано-ти уқитувчига яңинроң жойлашиши, қулайроң булса-да, 5^ар до-им )^ам шундай булиши шарт змас. Колонна бошқарувчисини, уларнинг буйидан қат-ви назар, мунтазам алмаштириб туриш', на-тижада группада җамда шуғулланувчилар учун бир хил шароит яратишга эришиш зарур. Шуни назарда тутиб, комплекснинг тур-ли машқларини бажаришда шуғулланувчиларни чапга, унгга, ор-қага буриб, бир-бирига қаратиб, саф йуналишини узгартириб ту-риш лозим ва машқларни колонна қамда шеренгада бажартириб туриш мат.қулдир.

### 17.4. ДАРСНИНГ АСОСИЙ ҢИСМИ

Умумий вазифалар. Шуғулланувчилар фаолиятининг йунали-шини белгила.йдиган умумий вазифалар қуйидагилардир.

1. Шуғулланувчиларнинг иродавий ва жисмоний сифатларини ривожлантириш.
2. Қаётий зарур ва спорт қаракат малакаларини шаклланти-риш.

Қар бир гимнастика дарсида, дарс ким билан утказилишидан қатги назар, шу иккала вазифа }^ал қилинади.

Шуғулланувчилар тусиқларни ошиб утиш ёки гимнастика сна-рядларида машқлар техникасини узлаштириши билан бир вақтда уз жисмоний сифатларини ^ам ривожлантирадилар. Шуни җисоб-га олиш керакки, гимнастика машқларини ургатишда жисмоний сифатлар аста-секин ривожланади. Бу қолни туғрилаш учун дарс-нинг асосий қисмида жисмоний сифатларни ривожлантир'ишни та-Бминлайдңган махсус машқларни бажаришга вақт ажратиш, машқ бэжаришнинг нисбатан оддий шаклини танлаш! ва фронтал методдан фойдаланиш керак.

Воситалар. Гимнастика дарсининг асосий қисмида иродавий ва жисмоний зур беришни талаб қиладиган машқлар: гимнастика снарядларидаги машқлар, таяниб сакрашлар, акробатика машқ-лари, амалий машқлар, юқори жадалликда бажариладиган уйин ва эстафеталар куринишидаги умумривожлантирувчи машқлар қулланилади.

Муайян маштулот учун машқлар танлаш дарс асосий қисми-нинг хусусий вазифаларига, шуғулланувчиларнинг имконияти ва бошқа шарт-шароитларга боғлиқ.

Машқ турларини навбатлаштириш. Гимнастика машғулотининг программаси шуғулланувчиларда куп сонли турли хил куникма ва малакаларни шаклл'антиришии назарда тутади. Дарсда турли хил машқларнинг сонини туғри белгилаш ва уларни навбатлашти-,риш кутт жиқатдан унинг самарадорлигини оширади. Бу масала-

ларни хал қилишда дарснинг вазифалари, шуғулланувчилар соста-ви, дарснинг қанча давом этиши, машғулот жойини жи^^озлаш ва }^оказолардан ташқари қуйидагиларни .^ам :>^исобга олиш ке-рак:

1. Дарснинг асосий қисмидан барча машқларни бажаришлари учун шуғулланувчиларда юқори иш қобилиятини сақлаб туришга шароит яратиш керак. Машқларни шундай навбатлантириш ло-зимки, дарснинг асосий қисми жадал жисмоний тайёргарлик машқлари билан якунлансин; югуриш, тусиқлардан утиш, сакраш уйинларини -эса шуғулланувчилар гимнастика снарядларида машқлар техникасини урганаётган турлардан кейин утказиш тав-' сия қилинади; мураккаблиги жид^атидан бир хил булган турли хил машқлар қаторасига, кетма-кет 5'тказилмаслиги лозим.

2. Шуғулланувчиларнинг дарс планида 'белгиланган машқлар-ни узлаштириш даражаси. Бир машғулотнинг асосий қисми про-граммасига >^али яхши узлаштирилмаган машқларни куп кирит-маслик керак.

**Дарснинг асосий қисмини утказишга қуйиладиган умумий та-лаблар.** Гймнастика дарсининг асосий қисмини утишда уқитувчи қуллайдиган методик усуллар қуйидагиларни татзминлашга қара-тилган булиши керак:

1. Шуғулланувчиларнинг топширилган машқни аниқ тасаввур қилишдари. Агар шуғулланувчи топширилган машқни тушунса, унинг .^аракатлари онгли ва мақсадга мувофиқ булади, у машғу-лотга фаол қатнашади, қизиқиши қам ортади. Бундай шароитда шуғулланувчи, албатта юқори натижага эришади.

